

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
З.М.БОБУР НОМЛИ
АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

УМУМИЙ ТАРИХ КАФЕДРАСИ

Қўлёзма ҳуқуқида

Турғунов Асадилло Абсаматович

**Мавзу: “Япониянинг тор-мор қилиниши ва II жаҳон
урушининг Узоқ Шарқда якунланиши”.**

**5220200 – «Тарих» (мамлакатлар ва минтақалар бўйича) таълим йўналиши бўйича
бакалавр академик даражасини олиш учун**

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Иш раҳбари:

катта ўқитувчи Д.Мусаев.

А Н Д И Ж О Н - 2 0 1 3

МУНДАРИЖА.

Кириш.....	3
1. XX асрнинг 20-40 йилларда Япониянинг иқтисодий ва сиёсий аҳволи.....	13
2. II жаҳон урушини бошланиши Япониянинг урушга кириши.....	20
3. Японияни мағлубиятга учраши Узоқ Шарқда якунланиши ва мамлакатда тикланиш ишларини амалга оширилиши.....	32
Хулоса.....	43
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	51
Иловалар.....	53

КИРИШ

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг жамият ижтимоий сиёсий ҳаётининг барча жабҳаларида кенг ўзгаришлар даври бошланди. Бу жараён албатта интеллектуал соҳада ҳам ўз аксини топди. Энг асосий ижтимоий гуманитар фан ҳисобланган тарих фани олдида ҳал этилиши лозим бўлган долзарб муаммоларни кўндаланг қилиб қўйди, сабаби илгари совет тарихшунослиги нуқтаи назарида бир томонлама ўрганилиб тадқиқ қилинган. Мавзулар яна қайтадан илмий тадқиқот объекти сифатида ўрганилиш учун қулай шароит юзага келди.

Шу билан бир қаторда “Мустақилликка эришганимиздан кейин халқимизнинг ўз юрти, тили, маданияти, қадриятлари тарихини билишга, ўзлигини англашга қизиқиши ортиб бормокда”¹. Ҳозир кунда Ватанимиз нафақат Шарқ балки умумжаҳон цивилизацияси бешикларидан бири бўлганлигини бутун жаҳон тан олмокда. Ўзликни англаш тарихни билишдан бошланади.

Бугун биз тарихий бир даврда халқимиз ўз олдида эзгу ва улуғ мақсадлар қўйиб тинч осойишта ҳаёт кечираётган авваломборўз куч ва имкониятларига таяниб демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш йўлида улкан натижаларни қўлга киритаётган бир замонда яшамокдамиз. Биз ўз тақдиримизга суяниб шу билан бирга тараққий топган давлатлар тажрибасини ҳисобга олган ҳолда, мана шундай олижаноб интилишлар билан яшаётганимиз халқимиз асрлар давомида орзиқиб кутган озод эркин ва фаровон ҳаётни барпо этаётганимиз бу йўлда эришаётган ютуқларимизни халқаро ҳамжамят тан олгани бундай имкониятларнинг барчасини айнан мустақиллик берганини бугун ҳаммамиз чуқур англаймиз².

Дунё ҳаритасида янги мустақил давлатлар пайдо бўлди, улар ҳозирги тил билан айтганда социалистик ўтмишга эга бўлган ўз сиёсий мустақиллигини тинч йўл билан қўлга киритган давлатлардир. Бу давлатлар мустақил ривожланиш ва ижтимоий муносабатларни яхшилаш йўлига қадам қўйди. Улар дунёдаги бошқа мамалакатлар орасида ўз мавқеини мустаҳкамлашга интилмокда³.

Бирон бир жамият маънавий имкониятларини одамлар онгида маънавий ва ахлоқий қадриятларни ривожлантирмай ҳамда, мустаҳкамламай туриб ўз истикболини тасаввур эта олмайди. Халқнинг маъданий қадриятлари маънавий мероси минг йиллар мобайнида шарқ халқлари учун қудратли маънавият манбаи бўлиб хизмат қилган. Узоқ вақт давом этган қаттиқ мафкуравий тайзикқа қарамай Ўзбекистон халқи авлоддан – авлодга ўтиб келган ўз

¹ Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т. 1998 й. 3-бет

² Каримов. И.А. Юксак маънавият енгилмас куч. , Т. , 2008. 3-б.

³ Каримов. И. А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида, хавфсизликка таҳдид барқарорлик шартлари ва тараққиёти кафолатлари. , Тошкент. 1997. 3-б.

тарихий ва маданий қадриятларини ҳамда ўзига хос анъаналарини сақлаб қолишга муваффақ бўлди.

Мустақиллигимизнинг даслабки кунлариданоқ аجدодларимиз томонидан кўп асрлар мобайнида яратиб келган ғоят улкан, бебаҳо маъданий ва маънавий меросни тиклаш давлат сиёсати даражасига кўтарилган ниҳоятда муҳим вазифа бўлиб қолди.

Халқимиз сиёсий мустақиллик ва озодликнинг қўлга киритган ўз тақдирини чинакам эгаси, ўз тарихининг ижодкори, ўзига хос миллий маданиятини соҳибига айланди.

Тарих хотираси халқнинг жонажон ўлканинг давлатимиз ҳудудининг ҳолис ва ҳаққоний тарихини тиклаш миллий ифтихорни тиклаш ва ўстириш жараёнида ҳоят муҳим ўрин тутди.

Тарих миллатнинг ҳақиқий тарбиячисига айланиб бомоқда. Буюк аجدодларимизнинг ишлари ва жасоратлари тарихий хотирамизни жонлантириб янги фуқаролик онгини шакллантирмоқда. Ахлоқий тарбия ва ибрат манбаига айланмоқда.

Тарихий тажриба анъаналарнинг мерос бўлиб ўтиши буларнинг барчаси янгидан янги авлодларни тарбиялайдиган қадриятларга айланиб қолмоғи лозим. Бизнинг маданиятимиз бутун инсониятни ўзига ром этиб келаётган марказ бўлиб қолганлиги тасодифий эмас.

Халқимизнинг этник маданияти ва диний сабр бардоши маънавий уйғонишнинг яна бир битмас туганмас манбаидир. Минг йиллар мобайнида Марказий Осиё ғоят хилма хил динлар маданиятлар ва турмуш тарзлари туташган ва тинч тотув яшаган марказ бўлиб келди. Этник сабр тоқат бағрикенглик ҳаёт бўронларидан омон қолиш ва ривожланиш учун зарур табиий меъёрларга айланди.

Ижтимоий ҳаётимизни ислоҳ қилиш ва янгилаш бошланиб кетганлиги боис маънавий маданиятнинг қудратли қатламлари очилди. Улар халқ руҳиятини ватанпарварлик миллий ифтихор, бутун дунё учун бағрикенглик томон кескин ўзгартириб юборди. . Бу эса халқ руҳи қудратининг биринчи белгисидир. Бу руҳ шу қадар ёрқин ва ўзига хоски у интеграциядан асло чўчимайди, аксинча жаҳон ҳамжамиятининг узвий бир қисмига айланишга ҳаракат қилмоқда¹.

Биз миллий маънавиятни ҳар томонлама юксалтириш масаласини ўз олдимизга асосий вазифа қилиб қўяр эканмиз, бугунги кунда маънавиятимизни шакллантирадиган ва унга таъсир ўтказадиган барча омил ва мезонларни чуқур таҳлил қилиб, уларнинг бу борада қандай ўрин тутишини яхши англаб олишимиз мақсадга мувофиқ бўлади.

¹ Каримов. И. А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида, хавфсизликка таҳдид барқарорлик шартлари ва тараққиёти кафолатлари. , Тошкент. 1997. 143-б.

Бизнинг қадимий ва гўзал диёримиз нафақат Шарқ, балки жаҳон цивилизацияси бешикларидан бири бўлганини халқаро жамоатчилик тан олмоқда ва эътироф этмоқда. Бу табаррук заминдан не-не буюк зотлар, олиму уламолар, сиёсатчи ва саркардалар етишиб чиққани, умумбашарий цивилизация ва маданиятнинг узвий қисмига айланиб кетган дунёвий ва диний илмларнинг, айниқса, ислом дини билан боғлиқ билимларнинг тарихан энг юқори босқичга кўтарилишида она юртимизда туғилиб камолга етган улуғ алломаларнинг хизматлари беқиёс экани бизга улкан ғурур ва ифтихор бағишлайди.

Бу кўҳна тупроқда милодгача бўлган даврда ва ундан кейин қурилган мураккаб сув иншоотлари, ҳали-ҳануз ўзининг кўрку тароватини саклаб келаётган осори атиқаларимиз қадим-қадимдан ўлкамизда деҳқончилик ва хунармандчилик маданияти, меъморлик ва шаҳарсозлик санъати юксак даражада ривожланганидан далолат беради. Мамлакатимиз ҳудудида мавжуд бўлган тўрт мингдан зиёд моддий-маънавий обида умумжаҳон меросининг ноёб намунаси сифатида ЮНЕСКО рўйхатига киритилгани ҳам бу фикрни тасдиқлайди.

Аждодларимиз тафаккури ва даҳоси билан яратилган энг қадимги тошёзув ва битиклар, халқ оғзаки ижоди намуналаридан тортиб, бугунги кунда кутубхоналаримиз ҳазинасида сақланаётган минг-минглаб қўлёзмалар, уларда мужассамлашган тарих, адабиёт, санъат, сиёсат, ахлоқ, фалсафа, тиббиёт, математика, минералогия, кимё, астрономия, меъморлик, деҳқончилик ва бшқа соҳаларга оид қимматбаҳо асарлар бизнинг буюк маънавий бойлигимиздир¹. Бунчалик катта меросга эга бўлган халқ дунёда камдан-кам топилади.

Ҳаётимизнинг барча соҳаларида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларимизнинг самарадорлиги аввало халқ маънавиятининг тикланиши, бой тарихий меросимизнинг чуқур ўрганилиши, анъана ва урф-одатларимизнинг сақланиши, маданият ва санъат, фан ва таълим ривож, энг муҳими, жамият тафаккурининг ўзгариши ва юксалиши билан узвий боғлиқдир².

Ҳозирги демократик жамиятнинг энг муҳим воқеликларидан бири ижтимоий рақобатдир. Халқимизнинг анъанавий қадриятлари у билан уйғунлаштирилмоғи керак. Бозор тузилмалари ривожланиб борган сари бу рақобат анча бемаъни тус олиши ижтимоий зиддиятга айланиб кетиши мумкин. Бундай рақобатга маърифий ижодий тус беришга, уни мусобақага, бунёдкорликка айлантиришга биринчи навбатда иқтисодиёт билан боғлиқ бўлмаган энг аввало маданий ахлоқий механизмлар қайта тикланаётган

¹ Каримов. И.А. Юксак маънавият енгилмас куч. , Т. , 2008. 31-б.

² Каримов. И.А. Юксак маънавият енгилмас куч. , Т. , 2008. 78-б.

миллий қадриятлар билан ҳозирги замон цивилизацияси сингдираётган яшаш меъёрларининг умумлашмасидан иборат бўлмоғи даркор¹.

Мустақиллик мамлакатимиз аҳолисининг билим доирасини кенгайтирди. Тарих ва ҳозирги замон воқеликларига мурожаат қилиш бизнинг ижтимоий тафаккуримиздан ҳаётни идрок этишнинг мавҳум ва ақидапарастлик қолипларини енгиб ўтишни, мустақил фикр юритиш ва рўй бераётган ҳодисаларни баҳолай олиш қоблиятини талаб этди.

Маънавий тикланиш фикрлаш тарзини мустақиллик руҳи белгилайдиган янги авлодга мансуб ижодий зиёлиларнинг пайдо бўлиши демакдир. Бизнинг тушунишимизча қотиб қолган эски ақидалардан воз кечиш ўз тарихий ўтмишимиздан воз кечиш демакдир.

Миллий тафаккур ўз тараққиётида маданий қурилиш ўз тараққиётида маданий қурилиш вазифаларига дунё микёсида ёндашиши ва бошқа халқларнинг тақдири уларнинг ўзаро муносабатлари билан яқиндан қизиқиш улар ҳаётининг энг теран нуқталарига кириб бориши миллий манфаатларни ҳисобга олиши керак.

Мамлакатимизнинг мустақиллигига жаҳондаги давлатлар ҳам бефарқ муносабатда бўлмай, уни давлат сифатида тан ола бошлади. Мустақил ривожланишдаги ўтган қисқа тарихий даврда республикани суверен давлат сифатида қарор топтириш юзасидан улкан ишлар амалга оширилди. Ҳозирда Ўзбекистонни 165 дан ортиқ давлат тан олган. Дунёдаги 120 дан ортиқ мамлакат билан дипломатик муносабатлар ўрнатган. Тошкентда 35 дан ортиқ мамлакат ўз элчихонасини очган².

Бугунги кунда Ўзбекистон тўла ҳуқуқли асосда энг обрўли ва нуфузли халқаро ташкилотлар таркибига кирган бўлиб, барча қитъалардаги ўнлаб мамлакатлар билан дўстона алоқаларни ривожлантириб бормоқда.

Жоҳон мамлакатлари ва ташкилотлари билан шундай алоқаларни йўлга қўйилиши Ватан тарихи билан бир қаторда жаҳон тарихини мукаммал даражада ўрганишни талаб этади.

Халқимизнинг келажаги энг аввало унинг ўзига, маънавий қудратида ва миллий онгнинг ижодий кучига боғлиқдир. Моддий фаровонликка табиий интилиш миллатнинг маънавий ва ақлий ўсиш эҳтиёжига ғов бўлмаслиги лозим. Маънавийлик ва маърифийлик халқимизнинг кўп аср тарихи давомида доимо унинг энг кучли хусусияти бўлиб келди.

¹ Каримов. И. А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида, хавфсизликка таҳдид барқарорлик шартлари ва тараққиёти кафолатлари. , Тошкент. 1997. 149-б.

² Каримов. И. А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида, хавфсизликка таҳдид барқарорлик шартлари ва тараққиёти кафолатлари. , Тошкент. 1997. 296-б.

Бизнинг маънавий кадрятларимизни ҳозирги демократик жамиятнинг кадрятлари билан уйғунлаштириш келажакда янада равақ топишимизнинг жамиятимиз жаҳон ҳамжамиятига қўшилишининг гаровидир¹.

Мен ҳам ўз битирув малакавий ишим мавзусини жаҳон тарихи бўйича ёзишга интилдим. Менинг мавзуим Япониянинг II жаҳон урушидаги иштироки билан боғлиқдир.

Авалло тўхтатиладиган бўлсак, Осиёнинг Тинч океан қирғоқларига яқин жойлашган Япония бутун дунёни лол қолдириб келатган мўъжизакор мамлакатлардан бири. Рельфи асосан тоғликлардан иборат табиий ресурсларга камбағал бўлган ушбу мамлакат аҳолининг тадбиркорлиги ва ишбилармонлиги туфайли бугунги кунда иқтисодиётнинг ривожланиш даражасига кўра дунёда етакчи ўринлардан бирини эгаллаб турибди.

Мамлакат ороллاردан иборатдир унинг умумий майдони 377,9 минг кв. км, шундан 374,7 минг кв.км қуруқлик, 3,2 минг кв.км. сув ҳавзвларидан иборат. Худудининг бешдан уч қисмини тўртта йирик орол Хаккайдо, Хонсю, Сикоку ва Кюсю ташкил этади. Унинг таркибига 3000дан ортиқ катта кичик ороллар кириб, мамлакат ҳудуди ёй шаклида шимоли шарқдан, жануби ғарбга томон 3500 км га чўзилган².

Япон тилида мамлакат номи “Нихон” ёки “Ниппон” яъни “Кунчиқар мамлакат” деб аталади. Қуёш тасвири мамлакат байроғида ўз аксини топган.

Аҳолининг 78% шаҳарларда, 22% қишлоқларда истиқомат қилади.

Токио, Икогама, Осака, Нагоя, Саппоро ва бошқа қатор шаҳарлар йирик агломерацияларни ҳосил қилган. Япония шаҳарларининг ўзига хос томони шундаки, уларда тарих билан ҳозирги замон уйғунлашиб кетган. Осмонўпар баланд иморатлар билан бир қаторда ҳозиргача сайқалини йўқотмай келатган тарихий қалъалар ўзаро уйғунликда ўзгача ажойиб манзарани касб этади.

Маъмурий жиҳатидан мамлакат 47 та префектурага бўлинган, бошқарув тизимида кўра конституцион монархия амалдаги конституцияга кўра император “давлат ва халқ бирлигининг” рамзи ҳисобланади. У мамлакатдаги барча қарорларини ва давлат лавозимларига тайинлашни вазирлар маҳкамаси тавсиясига биноан амалга оширади. 23 декабр миллий байрам император туғилган кун (император Акихито) мамлакатни 1987 йил 7 январдан бошқармоқда. Қонун чиқарувчи ҳокимят маслаҳатчилар палатаси (юқори) ва вакиллар палатаси (қуйи)дан иборат парламент томонидан амалга оширилади.

Афсоналарга кўра Япон давлатига милoddан аввалги 660 йилда император Дзимму асос солган. Бир неча асрлар мобайнида Япония Хитой ва Корея маданияти

¹ Каримов. И. А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида, хавфсизликка таҳдид барқарорлик шартлари ва тараққиёти кафолатлари. Тошкент. 1997. 151-б.

² Гадоев К. Сайёрамиз мўъжизалари. Т. 2013. 49-бет.

таъсири остида қолган, шу давлатлардан VI асрда Японияга буддавийлик дини кириб келади. 522 йилда Ямото сулоласи ҳокимиятга келади ва Нара шаҳрини пойтахт деб эълон қилиб Хитой маъмурий бошқарув тизимини японияда жорий этишади. 794 йилдан Хейан даври бошланиб пойтахт Китого кўчирилади. IX асрдан Япон ёзуви шаклланади¹.

XI асрдан расман ҳукмдор бўлиб амалда ҳокимият Сёгун кўлига ўтади. Мамлакат пойтахти Камакурага кўчирилади. Самурайлар мамлакатда дзен – буддизмнинг тарқалишига ўз ҳиссаларини қўшади. 1274 ва 1281 йилларда Японлар муўғуллар ҳужумини қайтаришади. Ўзаро урушлардан сўнг 1615 йилда Токугава Сёгунати даври бошланади.

XVII асрда Японияда европалар аввал португаллар кейинроқ голландлар пайдо бўлади. Шунга қарамай мамлакат XIX аср ўрталарига қадар чет элликлар учун ёпик бўлган 1867 йилда Токугава сулоласининг сўнгги сёгуни Есинобу ҳокимиятни император Мухихотога топширади. Пойтахт Эду (Токио)га кўчирилади. Япония кучли давлатга айлангач, 1894 йилда Тайванни, 1905 йили Россияни Кусима жангида мағлуб этиб, Порт-артур ва жанубий Сахалинни эгаллаб олади. 1910 йилда Кореяни иккала жаҳон урушлари оралигида Тинч океанидаги қатор оролларни босиб олади.

1931 йили Япон қўшинлари Манчжурияга бостириб киради 1937 йилда Хитойнинг қолган ҳудудларига босқинчилик бошланади. Иккинчи жаҳон урушига Япония 1941 йилнинг 7 декабрида АҚШнинг Пёрл-Харбор ҳарбий базасига ҳужум қилиш билан киради. Уруш даври мобайнида Япония Англия ва Франциянинг Жанубий Шарқий Осиёдаги мустамлакаларини босиб олади. Иттифоқчи қўшинларнинг ҳужуми Хиросима ва Нагасакига атом бомбаларининг ташланиши натижасида Япония 1945 йилнинг 2 сентябрида таслим бўлганлигини эълон қилади². Ўз мустамлакаларини йўқотганлиги ва урушдан оғир аҳволда чиққанлигига қарамай, сиёсий ҳаётнинг демократлаштирилиши ва жадвал технологик тараққиётоқибаида Япония иқтисодий жиҳатдан тараққий этган ҳамда энг бой давлатларда бирига айланган.

Маълумки Япония дунё давлатлари ичида биринчилардан бўлиб Ўзбекистон мустақиллигини тан олган давлатлардан бири. 1992 йилнинг 28 августидан Япониянинг Ўзбекистонда фаолият бошлаган биринчи элчиси Сулило Эбакура Ўзбекистон президенти И.Каримовга ишонч ёрлигини топширган. Ҳар икки давлат ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорлик йилдан-йилга кенгайиб бори.

¹ Жаҳон мамлакатлари қисқача маълумотнома. Т. 2006. 374-бет.

² Жаҳон мамлакатлари қисқача маълумотнома. Т. 2006. 375-бет.

1994 йилнинг 16-19 май кунлари мамалакатимиз раҳбарининг Японияга расмий ташрифи бу икки давлат ўртасидаги алоқаларни янада ривожлантиришда муҳим роль ўйнади.

Япония-Ўзбекистон муносабатларивожининг XXI аср бошларида янги босқичга кўтарилишида И.Каримовнинг 2002 йилнинг 28-31 июл кунларида расмий ташриф билан Японияда бўлиши катта аҳамиятга эгадир. Бу ташриф давомида И.Каримов ва Япония бош вазири Ж.Колдзуми муҳим сиёсий ҳужжатни “Дўстлик, стратегик, ва ҳалқаро ҳамкорлик тўғрисидаги” баёнотни имзолادилар. Бундан ташқари “Ўзаро иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш тўғрисида” ва янада бошқа қатор ҳужжатларни янги босқичга кўтарилишига хизмат қилган.

Япония-Ўзбекистон билан ҳар томонлама яқин ҳамкорлик қилиб келаётган давлатлардан бири. Шу вақтгача Япониянинг Ўзбекистон иқтисодиётига киритган сармоясининг ҳажми 1,6 миллиард АҚШ долларидан ошганини бунинг ёрқин далилидир¹.

Айни пайтда мамлакатимизда 18 та Япон компаниясининг ваколатхонаси. 10 га яқин қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Бундан ташқари Япониянинг “Тараққиётга расмий ёрдам” дастури даражасида 100 млн доллардан зиёд маблағи Ўзбекистонга ажратилган.

Шунингдек Япониянинг турли олий ўқув юртларида 70 га яқин Ўзбекистонлик талабалар таълим олмоқда. Расмий ташриф чоғида Япониянинг яна 348 млн иен миқдорида грант ажратиши ҳақида битим имзоланди.

Сиёсий соҳада томонларнинг фикрлари бир-бирига яқин ва ҳалқаро терроризмга қарши кураш боасида ўзаро келишиб олинган. Айни пайтда Ўзбекистон Япониянинг ВМТ хавфсизлик кенгашининг доимий аъзоси бўлишини ёқлаб келмоқда.

Шу билан бир қаторда университетимиз ректори профессор Т.А.Мадумаровнинг 2011 йили таълим соҳасидаги дастурга биноан Япония олий ўқув юртларида бўлиб, талабалар билан учрашувда ҳам бундай алоқаларни ривожланаётганлигини яққол намоён этади.

Шундай қилиб Япония XX асрнинг иккинчи ярмида вайроналиклардан чиқиб қудратли ривожланган давлатга айланди. Бунга америка омилининг таъсири, ҳарбий харажатларнинг камлиги, энг муҳими Япон миллатининг маънавий юксаклиги сабаб бўлди. Халқнинг ягона муҳит бўлиб бирлашуви ўз манфаатларини халқ юрт манфаатлари билан мувофиқлаштирилган ҳолда суистеъмол қилмай олиб бориши ғалабанинг асосий таянчи бўлди. Япон миллати ўзининг буюк миллат эканлигини дунёга кўрсатди. Дунё бугун “Япон мўжизаси”дан ҳайратланмоқда ва тажриба сифатида фойдаланилмоқда.

¹ Лафасов М. Жаҳон тарихи. Т. 2009. 239-бет.

1. XX асрнинг 20-40 йилларда Япониянинг иқтисодий ва сиёсий аҳволи.

XX аср бошларида давлатларнинг жамиятда тутган ўрнида туб ўзгаришлар юз бера бошлади. Бу ҳолат кейинчалик давлатларнинг иқтисодга аралашуви, иқтисодда давлат секторининг вужудга келтирилши, давлатнинг иқтисодий ислохотларга бош бўлиши, фуқароларнинг ижтимоий ҳимояси масаласига чуқур эътибор берилиши билан изоҳланади.

Бу ҳодиса меҳнат билан капитал ўртасидаги қарама-қаршилиқни юмшатишни, охир оқибатда ижтимоий инқилобларнинг олдини олиши, кейинроқ эса уларнинг бутунлай кераксиз бўлиб қолишини таъминлади. Инсониятнинг илғор қисми ижтимоий инқилоблар мислсиз қон тўкишларга вайронгарчиликларга олиб келишини тушуниб етди. Улар меҳнат аҳлининг инсоний ҳуқуқлари учун курашда биринчи ўринга ижтимоий ислохотларни қўйдилар. Саноатлашган давлатлар бу борада жуда катта муваффақиятларга эришди.

XX аср тарихга инсон ҳуқуқлари учун кураш асри бўлиб, ҳам кирди. Бу ўринда бирлашган миллатлар ташкилоти 1948 йилда қабул қилинган “инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси” катта тарихий аҳамиятга эга бўлди.

Бунинг натижаси ўлароқ мустамлака ва ярим мустамлака халқларга мустақиллик бериш масаласи ҳар қачонгидан ҳам долзарб бўлиб қолди.

Бугунги кунда жаҳонда 200га яқин давлат мавжуд, уларнинг кўпчилигида республика тузуми мустақкам қарор топди. Тўғри монархия давлатлари ҳам мавжуд, бироқ монархлар аввалгидек чекланмаган ҳуқуқларини йўқотган. Уларнинг аксарияти реал ҳокимиятни йўқотган, монархлар реал ҳокимиятга эга бўлган давлатларда эса деслотизм эмас балки маърифатли монархия қарор топди.

Айни пайтда XX асрда инсоният учун энг кўп даражада кулфат ва азоб уқубатлар келтирилган ҳодисалар ҳам рўй берди. Уларнинг ичида энг даҳшатлиси биринчи ва иккинчи жаҳон урушлари эди.

Япония биринчи жаҳон урушига Антанта тарафида қатнашган, урушдан кейин иттифокчи давлатлар бу давлатни қуруқ қўймай, унга Шандун ярим ороли, тинч океандаги Германияга қарашли, Мериан, Королина, Маршалл ороллари мандати тақдим этилди. Бу ороллар муҳим стратегик аҳамиятга эга эди. Улар японияга Тинч океан акваторияси марказга чиқиш ва АҚШнинг асосий ҳарбий денгиз базаси бўлмиш Гавай оролларига яқинлаштириш имконини берди.

Айни пайтда Япония Хитойда ўз мавқеини мустақкамлади. 1931 йилнинг сентябрида Япония армияси Хитойга ҳужум қилди. Бу ҳужум Чан Кайшининг Хтоини бирлаштириш йўлидаги ҳаракатини тўхтатиб қўйди. Уч ой ичида Япония Хитойнинг Шимолий Шарқида 1 млн кв км майдонни эгаллади ва у ерга 1932 йил 1 мартда “МангЖой-Го” деб аталган давлат тузди. Уни манжурлар сулоласининг сўнгги императори Пу I бошчилигидаги қўғирчоқ ҳукумат бошқарди. (Манжурлар сулоласи ҳукмдорлиги 1912 йил Сун Ятсен бошчилигидаги инқилоб натижасида ағдарилган эди). 30 млн аҳоли, 37 % темир руда захираси, 95 % нефт, 4 % савдо ва темир йўл японлар қўлида ўтди.

1936 йил Чан Кайши СианГа келганда армия қўзғолон кўтариб уни асир олади. Лекин ундан фуқаролар урушини бошламасликка ваъда олиниб қўйиб юборилади. Хатто у 1935 йили Япония агрессиясига қарши курашда ёрдам сўраб совет давлатига ҳам мурожаат қилган эди. Аммо Совет давлати бунга улароқ ёрдам беришга тайёр эканлигини билдирди, лекин бунинг учун мамлакатда фуқаролар урушини тўхтатиш ва Хитой коммунистларига қарши жозо операцияларини ўтказмаслик шартини қўйди¹.

1937 йилнинг ёзидан 1945 йил кузига қадар давом этган Япон-Хитой уруши бошланган. Японлар 1937 йил августда Пекин, ноябрда Шанхай, декабрда Нанкин шаҳарларини эгаллаб олган.

1937 йил 21 августда СССР – билан Хитой ўртасида ҳужум қилмаслик ҳақида шартнома имзоланган. Хитой 1938 йил 100 млн доллар, 1939 йилда эса 150 млн доллар

¹ Поляк Г.Б. Весминая история XX век. М. 1999.стр-32.

заём олган. 1938 йилдаги Хасан кўлида 1939 йилдаги Халхил Голда бўлиб ўтган жангларда Япон армиясини кучлари бир оз заифлаштирилган.

1941 йил 9 декабрда Япония Хитойга қарши урушни расмий ҳолатда эълон қилган ва бу ерда уруш охиригача ўз ҳукмронлигини сақлаб қолган.

Узоқ Шарқ ва Тинч океан хавзасидаги давлатларни бозорини шитоб билан эгаллай бошлайди. Бу эса ўз навбатида Япон монополиялари (Митсуи, Митсубиси, Ясида, Сумитомо) нинг даромадларини янада кўпайтирди. Уруш йиллари Япон магнатлари учун “Олтин давр” бўлди. Тўқимачилик, 4,5, металлургия 6, машинасозлик 5,5 баровар ўсди. Бироқ мамлакатда аҳолининг турмуш даражасини пасайганлигини кўриш мумкин. Бу ҳодиса 1918 йилнинг 3 августида Тояма префектурасида юз берган шоли исёнида ўз ифодасини топган.

Бу исён чайқовчилар томонидан шолининг нархини ошириб юбориш натижасида келиб чиққан. 10 августда бу китобча ҳам кенг тарқалган.

Оч қолган кўзғолончилар дўконларни босиб ола бошлаганлар. Қисқа муддат ичида “шоли исёни” бутун Япониянинг учдан икки қисмига тар қалган. Бироқ мавжуд ҳукумат исённи қаттиққўллик билан бостиган. Кўзғолон қатнашчиларининг кўпчилиги ҳибсга олиниб, сургун қилинди ва умрбод қамоқ жазосига ҳукм қилинди.

Япония мустамлакачи империяси асосларини ларзага келтирган бу исён мамлакатларда миллий озодлик курашининг янги тўлкинини кўтарилишига катта таъсир кўрсатди. Мамлакатнинг ўзида урушга қарши кураш кайфияти кучайди. Бунинг устига Узоқ Шарқда қизил армия япон босқинчиларига қаҳшатқич зарбалар бера бошладилар.

Мана шундай ижтимоий сиёсий бир шароитда 1920-22 йиллардаги иқтисодий инқироз Япония иқтисодиётига катта зарба берди. Бунинг сабаби иқтисодиётнинг ташқи бозорларга қарамлиги эди. Бу инқироз мамлакат ичкарасида меҳнат ва сармоя ўртасидаги зиддиятни янада кескинлаштирди.

1923 йилнинг охирига келганда Япония иқтисодиётида жонланиш юз бера бошлади. Бунга шу йилнинг 1 сентябрида юз берган ер қимирлашидан сўнг бошланган тиклаш ишлари қулай шароит яратди. Ҳукумат йирик тадбиркорлар зарар кўрмаслиги учун барча зарур чораларни кўрди. Яъни уларнинг барча тўловлари муддатини кечиктирди. Кўрган зарарлари учун компенсация тўловини амалга оширди. Япон монополиялари катта фойда миқдорини сақлаб қолиши учун экспорт товарлари нархини пасайтирди натижада мамлакатда чўян ишлаб чиқариш 2 баровар ўсди ва 1 млн 100 минг тоннача, пўлат ишлаб чиқариш 842 минг тоннадан 1 млн 720 минг тоннага ўсди. Умумий сайлов ҳукуқи ҳақида қарор қабул қилинди, сайловчилар 3млндан 4,3 млн кишига кўпайди.

1929-1933 йиллардаги жаҳон иқтисодий инқирози Япония иқтисодиётига янада катта зарба берди. Бу Япон ва Америка бозорларининг бир-бири билан жуда мустаҳкам боғланиб қолганлигининг, Япония иқтисодиётибошқа буюк давлатлар иқтисодиётига нисбатан заифлигининг, 1923 йилда юз берган zilзила оқибатлари чуқурлигининг натижаси эди.

Инқироз айниқса қишлоқ хўжалиги соҳасида оғир кечган. АҚШга ипак экспорт қилиш ҳажми 30 % камайган, ипак нархи кескин тушиб кетган. 1931 йилга келиб саноат маҳсулотлари 31, экспорт 65, импорт 72 фоизга қисқарди. Инқроз йилларида ишсизлар сони 3млн кишини ташкил этган. Бу жараён мамлакат ичкарисида ижтимоий аҳволни кескинлаштириб юборган. натижада мамлакатда “Ёш зобитлар ва янги концертлар иттифоқи” вужудга келди. Улар майда ва ўрта тадбиркорлар манфаатини мужассамлаштирган эдилар. Инқироз уларнинг аҳволини янада оғирлаштириб юборганлиги ёш зобитларни бефарқ қолдирмади. Чунки улар Япония жамиятида энг кўп зарар кўрган қатламнинг вакиллари эди¹.

Иккинчидан Япониянинг ҳарбий денгиз қудратини чекловчи турли халқаро шартномалар ёш зобитларда кучли норизолик уйғотди. Бироқ Японияда вужудга келган янги иттифоқ демократик кайфиятдаги кучларнинг иттифоқи эмас эди. Аксинча бу иттифоқ Японияда фашизм йўлига ўта борди. Айни пайтда ёш зобитлар императорга содик эдилар. Улар императордан эски концертлар ҳукмронлигини чеклашниталаб қила бошладилар. Хатто парламентга қарши чиқдилар. Шу тариқа Япония фашистлашиб борди, улар “паносиё” ва дунёда ҳукмронлик ғояларини зўр бериб тарғиб эта бошладилар. Ёш зобитлар янги эгаларининг ҳокимятга интилишини қўллаб қувватлай бошладилар. Бироқ эски концертлар катта молиявий қувватга эга бўлмаганликлари учун уларнинг мавқеи ҳам қудратли эди. Эски ва Янги концертлар эгаларини бирлаштирувчи бир омил мавжуд эди, бу омил дунёга ҳукмрон бўлишга интилиш эди.

1932 йилнинг 15 майида ёш зобитларнинг фашистик исёни кўтарилди, бунинг натижасида хатто мамлакат бош вазири Уникан ўлдирилади. Исён бостирилган бўлсада, мамлакатда ҳарбийлар мавқеи ҳар қачонгидан ошиб кетади.

Шу даврдан бошлаб 1945 йилгача ҳукуматни бошқариш фақат ҳарбий бюрократия вакилларига топширилгани бежиз эмасдир. Шунга қарамай 1936 йилнинг 26 феввалида 1500 ҳарбий қатнашган иккинчи фашистик исён уюштирилади. Бу исён 29 феврал куни бостирилган бўлсада у Япония ҳукмрон доираларини қаттиқ ташвишга солиб қўйди. 17 исёнчи ўлдирилди, улар мамлакатда рўй берган чуқур ички сиёсий инқирозни агрессив ҳарбий ҳаракатлар бошлаш йўли билан бартараф этишга қарор қилдилар.

¹ Кредер.А.А. Новейшая история XX века. М.1996. стр-43.

Урушдан сўнг Тинч океан ҳавзаларида Япониянинг АҚШ билан муносабатлари кескинлаша борди, бунинг сабаби ҳар икки томоннинг бу минтақада етакчиликка интилиши эди. Хатто Вашингтон конференцияси (1921 йил ноябр) қарорлари ҳам буюк давлатлар ўртасидаги зиддиятларни бартараф эта олмади. Япон монополиялари катта фойда миқдорини сақлаб қолиш учун экспорт товарларини нархини пасайтирди. Айни пайтда Япония монополиялари совет давлати билан муносабатларининг яхшиланишига ҳаракат қилди. Чунки Япония Россиянинг Шарқий қисмида Япон иқтисодиёти учун катта хом ашё манбаи сифатида қарар эди.

Япония бундай манбани 1918-1925 йиллар давомида ҳарбий йўл билан қўлга кирита олмади. Энда Совет давлати билан манфаатли иқтисодий ва савдо алоқаларини ривожлантиришдан бошқа йўл йўқ эди.

Шунинг учун 1925 йилнинг 20 январида Совет давлати билан Япония ўртасида “Ўзаро муносабатларнинг асосий тамойиллари тўғрисида” шартнома имзоланди. Унга кўра Япония Совет Россияси ҳудудидаги сўнгги ҳарбий қисмларни олиб чиқиб кетди. Бироқ бу Япония ҳукмрон доираларининг совет Узоқ Шарқи ҳудудларига даволаридан воз кечди дегани эмас эди. 1927 йилда фаол агрессив ташқи сиёсат тарафдорлари ҳукумати тузилди. Янги ҳукумат ўз мақсадларини “Танака меъморандуми” деб аталган ҳужжатда ифода этди.

1927 йилнинг 25 июлида императорга юборилган бу ҳужжатда Япониянинг дунёга ҳукмронлик қилишга очикдан очик дво қилинган эди. Шунингдек ҳужжатда қуйидагилар ёзилган эди. “Хитойни босиб олишимиз зарур, Дунёни босиб олишимиз учун эса аввал Хитойни босиб олишимиз лозим агар биз Хитойни босиб ололсак Осиёнинг барча кичик давлатлари, Ҳиндистон шунингдек жанубий денгиз давлатлари биздан кўрқади ва бизнинг олдимизга таслим бўлади. Бизнинг миллий ривожлантириш дастуримизга Молдова далаларида Россия билан қилич уруштириш киради. Биз АҚШни яксон қилишимиз зарур”. Япония ҳукмрон доиралари тез орада ўз орзуларини амалга оширишга киришидилар. 1931 йилнинг сентябрида Япония армияси Хитойнинг Шимолий-Шарқига Манжжурияга ҳужум қилди ва 1932 йилнинг бошларида бостириб олди. 1932 йилда Хитойнинг бошқа қисмларига бостириб кирди. 1932 йил мартада бўлиб олинган ерларда Мангжоу-Го давлатини тузган. 1932 йил ёзларида Жехе ва Хебей вилоятларини эгаллайди. АҚШ бу ҳаракатларни қўллаб қуватлаб 147 млн долларлик қулор яроғ етаказиб берган.

Халқаро ҳамжамият назаридан ҳоли бўлиш мақсадида Япония 1933 йилнинг март ойида Миллатлар лигасидан чиққан.

1934 йилда эса Шарқий Осиёга ҳукмронлик даъвоси билан чиқди ва ҳарбий кучларини чекланган Вашингтон шартномасидан воз кечишни маълум қилди. Мана шундай ҳолатда Япония Германия билан яқинлашиш йўлини тутди. Чунки Ғрабий Германия, Шарқни Япония эгаллаши лозим эди.

Шу мақсадда икки давлат ўртасида 1936 йили “Антикоминтерн аҳдномаси” тузилади¹.

Японя Советдавлати чегараларидан турли жанжалларни кучайтирди. 1938 йил 29 июл – 11 августда Совет давлати ҳудудига ҳужум уюштирди бу воқеа Насан кўли ҳудудида (Приморьеда) юз берди. Бироқ совет армияси ўз ҳудудини Япон қўшинларидан тозалашга муваффақ бўлди. 1938 йилнинг сентябрида имзоланган Мюнхен шартномаси, Япон ҳукмрондоираларини иштахасини янада ошириб юборди. Шунинг учун 3 ноябрида Япония Шарқий Осиёда янги тартиб ўрнатиш ҳақида декларация эълон қилди.

1939 йилнинг 11 май куни Япония армияси Мўғулистон халқ республикасига (МХР) ҳужум қилди (Халхил хол дарёси бўйида, ўзаро шартномага кўра совет армияси МХРга ёрдам кўрсатди. Тўрт ой давом этган урушда Япония армияси тор-мор этилган).

Шунга қарамай Япония ўз мажбуриятларидан (яъни Шарқий Осиёда ҳукмронлик ўрнатишдан) воз кечмаган. 1939 йил баҳорида фашистик давлатлар Буюк Шарқий Осиё кенгашида яъни тартиб ўрнатиш борасида Япония гегемонлиги тан олганлигини эълон қилишган. Аммо иккинчи бир томони Япониянинг Шарқий Осиё кенгашида катта манфаатларга эга бўлган бошқа давлатлар. (АҚШ, Буюк Британия ва Германия) билан муносабатлари кескинлашиб борган. Бунинг учун Япония уларга қарши уруш бошлаши муқаррар эди. Бу омил шунингдек Халхин Голдаги мағлубияти, Совет Германия шартномаси (1939 йил 23 августдаги) Япониянинг совет давлати билан муносабатларини ўзгартиришга мажбур этди.

2. II жаҳон урушини бошланиши Япониянинг урушга кириши

Европада Мюнхендаги тил бириктириш натижасида Марказий Европада вазият тубдан ўзгариб кетган, Германия ўзининг стратегик мавқеини мустаҳкамлаб олди.

Чехословакия иқтисодий жиҳатдан муҳим бўлган районларидан, шунингдек истеҳкомлар барпо этилган қулай табиий чегараларидан маҳрум бўлди. Аҳолининг миллий таркиби аралаш бўлган ҳудудларни ажратиб олиш шунга олиб келдики миллиондан ортиқ чехлар ва словянлар мажбурий суръатда Германия ҳокимияти остига

¹ Заглавин Н.В. Весминая история Век XX. М. 1999. стр-57.

ўтди. Англия билан Франция Чехословакияни мустақил давлат сифатида батамом йўқ қилиб юбориш учун Гитлерга қулай шароит яратиб берган.

Германия Версаль шартномасининг Британия ва Франция позицияларининг кучсизланиши Мюнхен оқибатида энг юқори даражага етди. Мюнхендаги тил бириктириш уруш йўлига ғов солишга мутлақо қодир эмаслигини кўрсатган Миллатлар Иттифоқининг ҳолатини ҳам анлатар эди.

Бу тил бириктириш ошкора равишда Совет Иттифоқига қарши қаратилган бўлиб Гитлер билан Чемберлен ўзаро ҳужум қилмаслик тўғрисида Англия Германия декларациясини имзоладилар. Бу декларация ҳам Германиянинг Шарқий Европа мамлакатлари энг аввало СССРга нисбатан эркин ҳаракат қилишга имкон берди. 1938 йил декабрида шундай декларация Франция билан Германия ўртасида ҳам имзоланган. Франция ўз ҳаракатлари туфайли Совет иттифоқи билан ўзаро ёрдам тўғрисидаги шартномани йўққа чиқарган.

Англия ва франциянинг раҳбарлари Мюнхен нацистларининг шарқдаги босқинчиликларига йўл очиб берганлигини яширмас эдилар¹. “Аралашмаслик” сиёсатидан агрессорларга тўғридан тўғри мадад беришга ўтиш Германиянинг янги босқинчиликларини янада енгиллаштирди. 1939 йил мартда Испания республикаси қулади ва Чехословакия мустақил давлат сифатида йўқ қилинди. Нацислар мамлакатнинг қолган қисмини парчалаб ташлаганлар. Германиянинг “қўғирчоқ” ҳукумати ҳисобланган Словакия ўзини “мустақил” давлат деб эълон қилди, Чехиянинг вилоятлари Богемия ва Моравияни гитлерчилар протекторат деб эълон қилганлар ва “рейх” таркибига қўшиб олганлар.

Тез орада нацистлар Литвани Балтика денгизидаги ҳужум портлари бўлган Клайпедани (Мемел) ўзларига топширишга мажбур қилдилар. Германия Гданск (Данциг) ни ўзига топширилишини Польшадан талаб қилган, мавжуд польша ҳукумати бу даъвони рад этади. Бундан фойдаланиб, Германия Польшани босиб олишга тайёргарликни авж лдириб юборади. 1939 йил 3 парелда Гитлер Польшага ҳужум қилишни кўзда тутган “Вайс” (Оқ план) режасини тасдиқлайди, ҳужум санаси сентябр деб ҳам белгилаб қўйилди. Италия фашистлари апрел ойида Албанияга бостириб кирим уни оккупация қиладилар.

Европадаги янги босқинчиликлар Ғарб давлатларини аввалги Мюнхен сиёсатини амалга ошириш тактикасини ўзлаштиришга мажбур этди. Улар Гитлер билан олиб борилган савдода маълум ютуққа эга бўлиш мақсадида ўз ерларининг ҳарбий сиёсий

¹ Хидаятов Г.А. Всемирная История (1914-1945 годы)
Тошкент 2000 год стр.77

мавқеларини мустаҳкамлаш учун баъзи чораларини кўрдилар. Парламентлар йирик ҳарбий маблағларни тасдиқлади. Англияда умумий ҳарбий мажбурият жорий этилди. Буюк Британия билан Франция Давлатлардан бири учинчи давлатнинг ҳужумига учраган тақдирда бир-бирларига ёрдам кўрсатиш ҳақида келишиб олганлар Европадаги майда давлатлар шу жумладан Польша ҳам инглиз француз кафолатини олганлар бу мамлакатлар ҳужумга учраганлари тақдирда уларга ёрдам кўрсатиш ваъда қилинди. Ҳақиқатда эса Лондон билан Париж агрессия хавфи остида қолган давлатларни ҳимоя қилишни эмас, балки ўзларининг Гитлерчиларга кўмаклашиш сиёсатларини Европада хавфсизликни таъминлаш борасида номигагина сарфланаётган куч ғайратлари билан ниқоблашни ўйладилар.

1939 йили мартида Англия билан Франция ўзларининг тактикавий найранглари билан давом эттириб, Германия ҳужумига учраган курбонларга Совет Иттифоқи кўрсатиши мумкин бўлган ёрдам ҳусусида Совет ҳукумати билан дипломатик ёзишмаларга киришганлар СССР агрессияга, коллектив бўлиб зарба беришни ташкил этиш учун ҳар қандай имкониятлардан фойдаланишга ҳаракат қилиб аҳдлашаётган давлатлардан ҳар қайсисига ҳужум қилинган тақдирда ўзаро ёрдам кўрсатиш ҳамда СССР билан чегарадош бўлган фашистлар агрессияси хавф солиб турган Шарқий Европа давлатларига (шунингдек Болтика бўйи давлатларига ҳам) ёрдам бериш, жумладан ҳарбий ёрдам бериш ҳақида уч ёқлама пакт тузишни таклиф қилган. Аммо бу таклиф рад этилган.

Ана шу факт билан бир вақтда бир-бирларига ва Европадаги бошқа давлатларга кўрсатиладиган ҳарбий ёрдамнинг миқдори ва шакллари белгилаб берадиган конвенцияни имзолаш ғоясини ҳам Ғарб давлатлари қўллаб қувватламаган. Айтиш пайтида Ғарб давлатлари советларга қарши агрессия қилинган тақдирда СССР га ишончли инглиз Француз хавфсизлик кафолатларини бермасдан уни бир ёқлама мажбуриятлар билан боғлаб қўйишни истар эдилар.

Германия ўзининг агрессив йўлига амал қилиб Англия билан тузилган денгиз шартномасини ва Польша билан тузилган ҳужум қилмаслик тўғрисидаги пактни бекор қилди. 1939 йил майда Гитлер билан Муссолини ҳарбий сиёсий иттифоқ тўғрисида “Пўлат пактни” имзолаганлар. Бу Англия билан Францияда жиддий ташвиш туғдирган бу мамлакатларнинг жамоатчилиги Совет Иттифоқи билан ўзаро ёрдам тўғрисида шартнома тузишни қаттиқ талаб қилмоқда эди.

Чемберлен ва Дакадье ҳукуматлари халқ оммасининг тайзики остида июн ойида Москвада бевосита музокараларни бошлашга мажбур бўлдилар. Бироқ шунда ҳам Англия билан Франция СССР билан ўзаро ёрдам тўғрисида тенг ҳуқуқли ва самарали шартномани тезроқ тузишга интилмадилар. Совет Иттифоқи билан ҳақиқий ҳамкорликни йўлга қўйиш

Британия ва Франция сиёсатчиларининг мўлжалида йўқ эди. Москвадаги музокаралар билан бир вақтда инглиз ҳукумати Германия билан сиёсий ва иқтисодий масалалар юзасидан махфий музокараларга киришган. Шу билан бирга Лондон Берлин билан муносабатларни яхшилаш мақсадида гитлерчиларга катта ён беришларга тайёр эканлигини билдирди.

Германиянинг юқори доираларида урушни биринчи навбатда Польшага ва Ғарбий Европа мамлакатларига қарши бошлаш ҳақида қарор қабул қилиб бўлинган ва бу урушга жадал тайёргарлик олиб борилмоқда эди. Бироқ Германия Англия билан музокаралар олиб борган вақтларида унинг сиёсатчилари онгида тез орада шартнома тузилади деган ҳаёлни мустаҳкамлади ва шу тариқа инглизларни ҳамда уларнинг француз иттифоқчиларини СССР билан музокараларини барбод қилишга ундадилар.

АҚШ ҳукмрон доиралари Англия билан Франциянинг Мюхен сиёсатини рағбатлантирар экан энг аввало Германия билан Совет Иттифоқининг тўқнашишига умид қилар, бу олишувда СССР мағлубиятга учрайди. Германия эса кучсизланади деб умид қилар эдилар. Америка ўзининг асосий рақобатчиси бўлган Буюк Британия билан Германиянинг ҳарбий курашида кучсизланиши мумкинлигини ҳам ўйлар эдилар. Англия билан Франциянинг Москвадаги музокараларини чўзиш ва барбод қилиш сиёсати Вашингтонда тушуниш билан қарши олинди ва маъқулланди.

Уруш хавфининг кучайиб бораётганлигини кечиктирмай чоралар кўришни талаб қилмоқда эди.

Иккинчи жаҳон уруши дунёдаги сиёсий тинчлик натижасида вужудга келган муаммони ҳал этиш имконияти эди. Биринчи жаҳон уруши натижасида юз берган дунёни қайтадан тақсимлаш ғолиблар лагерига мансуб бўлган бир қисм давлатларнинг манфаатларигагина жавоб берар эди. Унда янги жаҳон урушининг ва дунёни янгитдан қайта тақсимлашнинг куртаги мавжуд эди.

Фашистик ва милитаристик блок мамлакатлари Германия, Италия, Япония ўзларини насибасиз қолганлар деб ҳисоблаб ва бошқа давлатлар ҳисобига “Яшаш учун майдаон талаб қилар” эдилар. Агрессорлар Европа, Осиё Африка халқларини қул қилиш ва ҳатто улардан баъзиларини жисмонан қириб ташлаш режаларини ўйлаб юрар эдилар. Германия ва Япония Совет Иттифоқини йўқ қилиб ташлашга унинг худудини ўзаро бўлиб олишни хошлашар эди¹.

Иккинчи жаҳон урушини жаҳон реакциясининг асосий зарбдор кучи бўлган гитлерчилар Германияси бошчилигидаги фашистик-милитаристик блок давлатлари тайёрладилар ва бошладилар. Агрессорларнинг режалари Буюк Британия, Франция ва

¹ Белоусов А.С. История новейшего времени стран Европы и Америки. М. 2003. стр-83.

АҚШ манфаатларига қарши қаратилган эди. Лекин Ғарб давлатларининг ҳукмрон доиралари Германия билан Японияни СССРга хужум қилишга ундаш йўли билан ўзларининг режаларини хал этишга умид боғлар эди. Бунда улар томонларнинг бир-бирин заифлаштиришга шунингдек ўз позицияларини сақлаб қолиш ва мустаҳкамланишига ҳам ишонар эдилар.

Агрессорларнинг жаҳонга ҳукмрон бўлиб олиш сари тутган йўлида Совет Иттифоқи тўсиқ эди. Социализм билан капитализм ўртасидаги зиддият жаҳон тараққиётининг асосий зиддияти бўлиб қолмоқда эди. Аммо Ғарб оламида нифоқлар ва келишмовчиликлар анча чуқур эди. Шу билан бирга Буюк Британия, Франция ва АҚШнинг оммаси ўз мамлакатларининг ҳукуматларига тайзик ўтказиб улардан фашизмга катъий зарба беришни талаб қилмоқда эди.

Германия Ғарбда ғалаба қозониш Шарқда ғалаба қозонишга қараганда ўзлари учун анча енгил бўлади деган хулосага келганлар. Улар ўзларининг орқа томонларини мустаҳкамлашга кейинчалик Совет Иттифоқига қарши ташлаш учун Европанинг барча моддий ва ҳарбий ресурсларини сафарбар этишга интилдилар.

Иккинчи жаҳон уруши 1939 йил 1 сентябрида немис қўшинларининг Польшага бостириб кириши билан бошланади. Германия поляк давлатини йўқ қилишни ва унинг ҳудудида ҳамда ресурсларидан СССРга хужум қилишга тайёрланиш учун фойдаланишни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйдилар. Польшага ёрдам беришни ваъда қилган Буюк Британия ва Франция 3 сентябрда Германияга қарши уруш эълонқилдилар. Бунга жавобан Германия “Бу ҳали улар дарров уруша қоладилар деган гап эмас” деди. Ҳақиқатдан ҳам Ғарб давлатлари илгари Чехословакияга қандай хиёнат қилган бўлсалар, бу гал Польшага ҳам шундай хиёнат қилдилар¹.

Иттифоқчилар Греция чегараларида куч жиҳатдан катта устунликка эга бўлишларига қарамай ҳаракатсиз тураверганлар. Ғарбий Европа давлатларининг пойтахтларида Германия Польшани тор-мор қилгач СССРга юриш бошлайди деб кутмоқда эдилар.

Европада уруш бошлангач АҚШ ўзининг бетарафлигини эълон қилган. Польша тор-мор қилинганидан кейин Буюк Британия билан Франция фашистлар агрессиясини СССРга қарши қаратиш учун хали ҳам Гитлер билан тил топишишга умид қилар эди. Улар шу мақсадда Совет Финландия ҳарбий можаросидан фойдаланишни мўлжалладилар. Бироқ Фин қўшинларининг мағлубияти ва 1940 йил мартада СССР билан Финландия ўртасида сулҳ шартномасининг тузилиши жаҳон агрессорларининг Совет Иттифоқига

¹ Пономорёв М.В. История стран Европы и Америки в новейшие время в вопросах и ответах. М. 2008. стр-62.

қарши “катта уруш” ташкил этиш режаларини барбод этган.уруш бошланганидан сўнг етти ой мобайнида Ғарбий фронтда ҳеч қандай ҳарбий ҳаракатлар олиб борилмади, шу боис урушга “жойидан жилмайдиган” “ғалати уруш” деган ном берилган. Британия ва Француз ресурслари ўша вақтда узоқ уруш олиб боришга тайёр бўлмаган Германиянинг ҳарбий иқтисодий потенциалидан устун эди. Лекин Лондон ва Париждаги ҳукуматлар Гитлерга Шарқда бемалол ҳаракат қила беришинг мумкин деган маънода ишора қилганлар. Француз ҳукмрон доиралари Германия билан урушиш ўрнига мамлакатнинг прогрессив кучларига қарши юриш бошлаганлар. Бу вақтда Германия иттифоқчиларининг ҳаракатсизлигидан фойдаланиб Ғарбий фронтда ҳужум бошлашга зўр бериб тайёрлаганлар.

1940 йил апрелида Германия қўқисдан Дания ва Норвегияга бостириб кириб уни оккупация қилади. Германия Дания армияси томонидан ҳеч қандай қаршиликка дуч келмаганлар чунки қирол ва ҳукумат қўшинларига қуролни топширишни буюрган эди.

Норвегия ватнпарварлари душманга қарши зарба бериб бироқ июн ойининг бошларида Норвегия армисининг қаршилиги синдирилди.

Германиянинг агрессиясини ғарбча қараб шиддат билан ҳаракат қилиши Мюнхен сиёсати батамом ҳалокатга учраганлигини англатар эди.

Май ойида немис қўшинлари Нидерландия, Бельгия ва Мюксенбургни эгаллашади. Французлар Германия билан чегара бўйлаб курган “Машино мудофаа чизиги”ни Шимолдан айланиб ўтиб, Гитлерчилар фронтини ёриб ташлади ва соҳил тамом шиддаё билан интилдилар. Ҳаммаси бўлиб қарийб 340 минг кишини ташкил этган инглиз қўшинлари ва француз қўшинларининг бир қисми Дюнкерк яқинида денгизга сиқиб қўйилган. Қўшинлар ҳарбий техникани ташлаб Британия ороллариغا эвакуация қилинган.

Дюнкеркдаги “мўъжиза” шу билан изоҳланадики, Гитлер Германия ҳукумати билан битим тузиш ва унинг мададида СССРга ҳужум қилишга умид боғлаб ўз чегараларига инглизларни тор-мор қилишни таъқиқлаб қўйди. Шу вақтда Германиянинг ҳукмрон доиралари навбатдаги зарбани (Ғарбий Европадаги уруш ҳаракатлари тугаганидан кейин) Совет Иттифоқига қарши қаратиш ҳақидаги қарорни асослари пайдо бўлган эди.

5 июнда Германия қўшинлари жанубга ҳужум бошлаб Парижга таҳдид солганлар. Бир неча кундан кейин Италия, Англия ва Францияга қарши урушга кирди. Аммо Париж, “очик шаҳар” деб эълон қилиниб, жангсиз топширилган. Янги ҳукумат тузилган, унга француз фашистик лидерларидан бири маршал Пэтен бошчилик қилган. 1940 йил 22 июнда Копьен ўрмонида Франциянинг таслим бўлганлигини англатувчи яраш аҳди имзоланди. Бунда Германия Францияни камситиш учун уннинг вакиллари ани шу шармандали ҳужжатни 1918 йилда маршал Фош яраш шартларини Германия

делегациясига айтиб турб ёздирган вагонни ўзида имзолашгна мажбур қилади. Франциянинг кўпчилик қисми аккупация қилинди. Мамлакатнинг аккупация қилинмаган жамнубий қисмида Пэтен кўғирчоқ ҳукуматининг ҳарбий фашист режими қарор топди. Бу ҳукумат курорт шаҳарга Вишида жойлашди.

Германиянинг Ғарбий европани босил олиши АҚШни ташвишга солиб қўйди. Америка ҳукумати катта ҳарбий қурилиш дастурини амалга оширишга ва қуролини кучларни кўпайтиришга киришди. Атом қуролини яратиш устида қаттиқ сир тутилган ишлаб бошлаб юборилди. 1939 йил ўзидаёқ “бетарафлик тўғрисида”ги қонун ўзгартирилди ва урушаётган давлатлар нақд пул ва ўз кемаларида олиб чиқиб кетиш шарти билан АҚШдан қурол яроғлар ва ҳарбий материаллар сотиб олиш имкониятига эга бўлдилар. АҚШ урушида қатнашмас эди, Буюк Британияга тобора кўп ҳарбий иқтисодий ёрдам кўрсатмоқда эди.

1941 йил мартда конгресс ленд-лиза тўғрисидаги яъни агрессияга қарши мудофааи АҚШ учун ҳаётий муҳим аҳамиятга эга бўлган мамлакатларга қуроли ва ҳарбий материалларни қарзга ёки ижарага бериш тўғрисидаги қонунни қабул қилди, бу эса Америка Қўшма Штатлари ўз хавфсизлигини энг аввало Америка қуроли ва ҳарбий материалларини олиб турган урушаётган мамлакатлар кучи билан таъминлашни истаганлигини англатар эди.¹

1940 йил сентябрида Италия қўшинлари Шимолий Африкада ҳужум бошлаганлар. Улар Мисрни босиб олиш ва Сувайш канали устидан назорат ўрнатиш мақсадида Шарққа қараб силжиб борганлар. Италия армияси Шарқий Африкада ҳам аккупация зонасини кенгайтирди. Бироқ инглиз қўшинларининг ҳужуми натижасида ўзининг Шарқий Африкадан ҳамма мулкларидан маҳрум бўлди.

Инглизлардан мадад олгач босқинчиларни Мисрдан қувиб чиқарганлар, сўнгра эса Кипанаикани уларда озод қилганлар, шунда Италия армиясига немис қўшинлари ёрдамга келган. 1941 йил баҳорида аккупациялар Ливияда ҳужум бошлаганлар, Бенғозини эгалладилар ва Тобрукни қуршаб олганлар, бироқ уларнинг Миср ҳудудига силжиб бориши тўхтатилган. Гитлерчилар Африка қитъасида ҳужум операциялари учун резервларга эмас эдилар, чунки улар ўз кучларини Совет Иттифоқида қарши урушга тўпламоқда эди.

Франция мағлубиятга учратилганидан кейин Германиянинг бутун сиёсати СССРга ҳужумни тайёрлашга бўйсундирилган эди. Германия бош штаби махфий “Барбосса” режасини ишлаб чиқди ва бу Гитлер томонидан 1940 йил декабрида тасдиқланган. У

¹ Пономарёв М.В. История Европы и Америки в новейшие время в вопросах и ответах. Москва, 2008, С.94

яшин тезлигида уруш олиб боришни ва Совет Иттифоқини бир ярим икки ой ичида тор*мор қилишни кўзда тутар эди.

Германия СССРга қарши агрессия тайёрлаётганликларини ниқоблаш учун инглиз шаҳарларини ҳаводан туриб ваҳшийларча бомбардимон қила бошлаган. Немис қўмондондиги Британия оролларига бостириб кириш муддатларини бир неча бор орқага сурган ҳамда весонт операциясини номаълум вақтгача кечиктирган.

Шу билан бирга немис қўмондонига Жанубий Шарқий Европа мамлакатлари устидан ўз назоратини ўрнатган. 1940 йил Руминияга кириб борган бу ерда генерал Антонескуннинг фашист диктатураси қарор топган. Нацистлар фашист диктатор Хорти режими ҳукмронлик қилаётган Венгрияни ўзларига бўйсундирган.

1941 йил мартада Болгарияни эгаллаб, уни агрессив блокада қўшиб олганлар. Апрель ойида Югославия билан грация аккупация қилинган.

Европада уруш ҳаракатлари бошланиши билан 1939 йил 4-13сентябрида Япония ҳукумати декларация эълон қилиб, ғарбдан урушга аралашмаслигини билдирди. 1940 йил 1 августда Капаэ бош вазирликни эгаллади ва Шарқий Осиёда “янги тартиб ўрнатиш” режасини давом эттирди.

1940 йил 23 сентябрида Япония Ҳинди-хитойнинг шимолига бостириб кирди, 27 сентябда Токио Германия ва Италия билан учлик сиёсий Иттифоқини 10 йил муддатга тузди. Бу нарса унинг фашистик давлатларга ўз мақсади йўлида бутундай шерик бўлганини англатаар эди.

1941 йил 13 апрелда совет давлати билан бетарафлик шартномасини тузди. Лекин “Кинтокуе” режасини тузиб қулай фурсатни пойлаб турди. Армия 700 минг ишига етказилди, АҚШ билан муносабатлар кескинлашди.

1940 йил 7 декабрда Япония кўкқисдан авианосецлардаги япон авиацияси АҚШнинг ғоят йирик ҳарбий базаси Пётр-Харборга (Говай ороллари) ёппасига зарба бера бошлаган.¹

АҚШнинг олий қўмондонлиги агрессарнинг зарбаларини қайтаришга қуролли кучларини тайёрламаган эди. Бу ҳолат АҚШ ҳарбий денгиз флотига қимматга тушди. Рейдда турга 8 та линкорнинг 4 таси чзктириб юбрилган, 4 тасига зарар етказилган. Ўн беш кема ҳарбий сафдан чиққан, флот бир неча минг матросини йўқотган. Деярли айнаи вақтда Жанубий хитой денгизида японлар Британиянинг ликкория ва крейсерини чўктириб юборганлар.

АҚШ билан Англиянинг Тинч океандаги мавқелари кучсизлантирилди. 1942 йил майида Япония, Нелайя, Бирма, Индонезия ва Филиппинни босиб олганлар. Япон

¹ Родригес А.М. Новейшая История стран Азии и Африки XX века. Москва, 2005, С.97

қўшинлари Британиянинг жнг йирик ҳарбий базалари Синга пур ва Гонконгни эгаллаб олганлар. Тинч океандаги Англия ва АҚШга қарашли кўп сонли ороллар аккупация қилинган. Жанубий-Ғарбий Хитойга ва Шарқий Ҳиндистонга бостириб кирганлар.

Урушнинг дастлабки беш ойида Япония арзимас даражада кат талофатлар кўриб жуда майдонни (3,8 кв.км) млндан ортиқ аҳолиси билан эгаллаб олади. Япония ортидан Германия билан Италия ҳам Қўшма Штатларга уруш эълон қилган. Ҳарбий ҳаракатлар доираси анчагина кенгайган. АҚШнинг урушга кириши фашист-мантаристик блок душманларини кучини мустаҳкамлади.

Москва остонасидаги жанг Шимолий Африкадаги арзимаз кучларининг бир қисмини бу ерга олиб ташлашга сабаб бўлди. 1941 йил ноябрида инглиз қўшинлари хужумга ўтдилар ва Табук камалини бартараф жтганлар. Тез орада Хирекаиканинг бутун территорияси озод қилинган. Аммо Германия инглиз қўшинларининг тарқоқлигидан фойдаланиб 1942 йил январида хужумга ўтиб, яна Киранаикани эгаллаб олишга муваффақ бўлдилар. Италия –Германия авицияси ва флоти Ўрта денгиздаги йўлларини назорат қилиб турар эдилар. Хужум натижасида инглизлар Миср территориясига чекинишга мажбур бўлдилар. Эл-Аламайн яқинидаги мудофаа чегарасида (Искандариядан 100 км Ғарбга) Германиянинг Сувайш канали томон силжиб бориши тўхталилди.¹ Шимолий Африкадаги аҳвол вақтинча барқарорлашган.

Немисларнинг асосий кучларини Совет-Герман frontiга тортиш Британиянинг генерал Монтгомери бошчилигидаги қўмондонлигига резервлар тўплаш ва 1943 йилнинг октябрида хужум бошлаш иконини берди. Душман Мисрни ташлаб чикди, немисларнинг Шимолий Африкадаги мағлубияти Яқин Шарқ мамлакатларига солинган ҳавфни йўқ қилди.

1942 йилданг бошлаб и нглиз-америка қўшинлари қарши хужумга штиб Япониянинг ҳам асосий кучларига зарба бериб тор-мор қила бошлаган.

1942 йил 8 ноябрида Иттифоқчилар ўша вақтда Виши ҳокимиятининг назорати остида бўлган Франция Марокашни ва Жазоирга йирик кучларини ташлаганлар. АҚШ билан Буюк Британия Франциянинг мустамлакаларига бостириб кирар эканлар, ўзларининг мақсадларини ҳам унутмаганлар. Бу давлатларнинг ҳар қайсиси бу ерда ўз позицияларини мустаҳкамлашга умид қилар эди.

Иттифоқчиларнинг ҳаракатлари Германиянинг юқори табақаларига жавоб ҳаракатлари қилишга мажбур этди. Герман ва Итлян қўшинлари Франциянинг аккупация қилинмаган қисмини эгаллаганлар.

¹ Родригес А.М. Стран Азии и Африки в новейшее время в вопросах и ответах. Москва, 2008, С.74

Хитойнинг таслимчилик кайфиятлари кучайиб борган Гоминданчилар ҳукумати Япон аккупантларига қарши актив уруш ҳаракатларини олиб боради. Чан Кайши ва унинг атрофидагилар АҚШдан олиб турган ҳарбий ёрдамидан япон босқинчиларига тазйикни кучайтириш учун фойдаланганлар.

Агрессорлар аккупациячи армиянинг асосий кучларини Хитойнинг озод қилинган районларига қарши ташлаб, бу районларни йўқ қилишга интилганлар. Озод қилинган ҳудудлаарн майдони анчагина камайган, лекин халқ қуролли кучлари япон босқинчиларининг ҳужумини тўхтатиб қолишга муваффақ бўлганлар. Душманнинг орқа томонида партизанрлар ҳаракати авж олмоқда эди.

Япония ҳужум қилишини ҳисобга олиб СССР бутун уруш давомида ўзининг Узоқ Шарқдаги чегараларида қуруқликдаги қўшинларининг 32 тадан 59 тагача дивизиясини, йирик артилерия, авиация ва флот кучларини ушлаб турди, бу билан Япониянинг Квантум армиясини сиқиб қўйди ва шу тариқа Хитойни қўллаб-қувватлади.

Япония АҚШ, Буюк Британия ва Нидерландиянинг Жанубий Шарқий Осиёдаги ва Тинч океанининг Ғарбий қисмидаги ғоят муҳим мустамлакалари ҳамда ҳарбий базаларини эгаллаб олиб Австралияга бостириб кириши ҳавфни солмоқда эди. Авианосецлардаги америка самолётлари Япониянинг денгиз десантини ушлаб олиб, япон кемаларига зарба берганлар. 1942 йил майида Каралл денгизида бўлган жанглар натижасида пония авианосеци, крейсер ва 70 дан ортиқ самолёт йўқотган. Бу АҚШнинг урушида қозонган биринчи ғалабаси эди.

Япониянинг Мидуэй оролидаги (Гавай ороллариининг шимоли-ғарбида) Америка базасини босиб олишга уриниши унинг мағлубияти билан тугаган. 1942 йил июнидаги жангларда япон флоти 4 та авианосец ва 260дан ортиқ самолёт йўқотди. Япония ҳарбий денгиз кучларининг қудрати синдирилди. Ва у Тинч овекан ҳавзасида муҳофаага ўтишга мажбур бўлган.

3. Японияни мағлубиятга учраши Узоқ Шарқда яқунланиши ва мамлакатда тикланиш ишларини амалга оширилиши.

Европада уруш тамом бўлганидан сўнг, узоқ шарқда фашистлар Германиясининг асосий иттифоқчиси бўлган империалистик пония бошлаган уруш хануз давом этмоқда эди. Япония, АҚШ, Англия, Хитой ва Осиёнинг бошқармаларига қарши уруш ҳаракатларини давом эттирмоқда эди. Совет Иттифоқи Германи билан уруш олиб бораётган бир вақтда Япония ўзининг қарийб 1 млн кишидан иборат энг яхши квантун армиясини Шимолий Шарқий Хитойда СССР чегарасида ушлаб турар эди. Бу хол совет

қўмондонлигининг Совет қўмондонлигининг Германия билан уру олиб бориш учун ниҳоятда зарур бўлган ўз қўшинларини (камида 40 дивизия) Узоқ Шарқдан олиб кетишига имкон бермас эди.

1942 йилнинг июлида Япония ўз армияси ва флотини тўла сафарбар этиб Совет Иттифоқиға ҳужум қилиш учун Сталинграднинг Волга бўйича қозонган Япон Империалистларининг режаларини барбод этган. Аммо Япония ҳужум қилиш учун қулай шароитни пойлаб турар эди.

Япония узоқ шарқда совет кемаларининг сузиши учун ҳар қандай йиўллар билан тўсқинлик қилиб келар эди. Бу эса совет ҳукуматини 1945 йил 5 апрелда Япония билан бетарафлик ҳақида тузилган аҳдномани бекор қилишга мажбур эди. Германия таслик бўлганидан кейин СССР, АҚШ, англия ва Хитойнинг 1945 йил 26 июлда имзолаган Япониянинг сўзсиз таслим бўлишини талаб қилган Потедон деклорациясига қўшилган. Япония томони бу деклорацияни қабул қилшдан бош тортган. Ўз иттифоқчилигига амал қилиб Совет Иттифоқи 1945 йил 8 августда Японияға қарши уруш эълон қилган.¹

1945 йил 14 августда СССР дўстлик ва иттифоқчилик ҳақида Хитой билан шартнома имзолаган. Бу шартномаға кўра ҳар икки томон узил кесил ғалаба қилгунга қадар Японияға қарши уруш олиб бориш бир-бирларига зарур ёрдам бериб туриш, урушдан кейин эса Япония томонидан агрессиянинг такрорланишиға йўл қўймаслик мажбуриятини олганлар.

Айни вақтда Хитой Чонгун темир йўлининг (шарқий Хиоой темир йўл ва жанубий Манжурия темир йўлининг) СССР билан Хитойнинг умумий мулкиға ўтиши ва ундан биргаликда фойдаланиш, Порт Артурдон ҳарбий денгиз базаси сифатида фойдаланиш, Дальний портин эркин порт деб эълон қилиш ҳамда пристонь ва омборхоналарни СССРға ижараға бериш ҳақида битим имзоланган. Шу куниёқ, Хитой билан СССР Монголия ҳалқ Республикасининг мустақиллиги ҳақида, Манжурия устидан Хитойнинг суверенитети ҳақида бир-бирларига нота топширганлар.

9 августда Забайкалье фронти (қўмондони маршал Р.Я.Малиновский), 1-узоқ шарқ фронти (қўмондони маршал К.А.Мерецков) 2-узоқ Шарқ фронти (қўмондони генерал М.А.Пуркаев) қўшинлари Тинч океан флотининг кемалари ва қисмлари (қўмондони адмирал И.С.Юмашев) маршал А.М.Васильевскийнинг умумий раҳбарлиги остида Узоқ Шарқда Япон қўшинларига қарши жанг ҳаракатларини болшлаганлар.

Маршал Чойбалсае қўмондонлиги остидаги Монголия ҳалқ республикаси армияси ҳам Японияға қарши урушға киришган. Совет қўшинлари артиллерия ва авиациянинг мадади билан ҳужум бошлаб, Шимолий Шарқий Хитой чегарасида душманнинг узоққа

¹ Хидояттов Г.А. Всемирная История (1945-1999 гг) Тошкент, 2000, С.102

мўлжаллаган кетма-кет чуқур эшалонлаштирилган мудофаасини ёриб ўтган, катта Хитгон тизма тоғларидан, Амур, Уссури дарёларидан кеичк ўтиб ва шиддатли хужумни авж олдириб, бутун Манжурия, Жанубий Сахалинни ва Курип ороллари ишғол этганлар.¹

Тинч океан флотининг кемалари ва қисмлари Шимлий Кореяда бир қанча шаҳар ва портларни эгаллаганлар. Квантум армияси муваффақиятсиз қарши хужумлардан кейин қаршилиқ кўрсатилни тўхтатган, таслим бўлган.

Иттифоқчиларнинг қуролли кучлари Тинч океан ҳавзасида Япон қўшинларига қарши хужум олиб бориб 1944 йилда Марсиалл ва Мариан ороллари эгаллаганлар. 1944 йил октябрида бўлган йирик денгиз жангида америкаликлар Япон флоти ва авиациясини жиддий мағлубиятга учратган.

1945 йил ёзида иттифоқчилар Филиппин ва Бирманинг катта қисмини аккупантлардан тозалаганлар ва Индонезияни озод қила бошлаганлар. Япон босқинчиларига қарши курашда Жанубий Шарқий Осиё халқлари айниқса ватанпарвар кучлар муҳим рол ўйнаганлар.

Совет Иттифоқининг Шимолий Шарқий Хитойда Монголия Халқ Республикаси билан қўшинлар иштирокида амалга оширилган шиддатли хужуми натижасида квантум армияси таслиқ бўлган. Япония ўзининг қуруқликдаги асосий зарбдор кучидан маҳрум бўлган. Шимолий Шарқий Хитой, Шимолий Корея, Жанубий Сахалин ва Курил ороллари Япон босқиячиларидан озод қилинган.²

Энг яхши армиясидан ажралган денгизда АҚШ ва Англиядан даҳшатли зарба еган. Хитой, Корея, Ҳиндистон, Бирма ва бошқаларнинг Эрксевар халқлари билан курашда ғоят катта талофат кўрган Япония мағлубиятни тан олишга мажбур бўлди.

Хитой миллий озодлик армияси (ХМОА) анчагина мустаҳкамланиб олиб, 1945 йил баҳорида унинг назорати остида аҳолиси 100 млн кишини таслим этган ҳудуд бор эди. 10 августда ХМОА хужумга ўтиб ва Шимолий Хитойдан Японларни қувиб чиқаришда иштирок этган.

СССР Японияга қарши урушга киришдан уч кун олдин 1945 йил 6 августда Америка самолётидан Япониянинг Хиросима шаҳрига атом бомбаси ташланган. СССР хужумга ўтган куни яъни 9 августда иккинчи бомба Нагасаки шаҳрига ташланган. Миллионлар одамларнинг ҳаётига зомин бўлишган.

АҚШда атом қуролини ишлатишни америкаликоар Япония оролларига қўшин туширган тақдирда кўришлари мумкин бўлган оғир талофатларга йўл қўйишни

¹ Пономарёв М.В. История стран Европы и Америки в новейшее время в вопросах и ответах. Москва, 2008, С.112

² Родригес А.М. Новейшая история Стран Азии и Африки XX века. Москва, 2005, С.115

хоҳламаганликлари билан оқлашган. Аслида эса атом қуролини қўллаш учун ҳарбий зарурат йўқ эди.

Япон агрессорларининг тақдири атом бомбаларини портлаши билан эмас балки Европадаги фашистлар коаликациясининг энг жанговар дивизияларини ва деярли миллион кишилик квантум армиясини тор-мор этган Совет қуроли кучларини ҳаракатлари билан ҳал этилган, бу эса Япониянинг мағлубиятини олдинданок белгилаб қўйган эди.

1945 йил 2 сентябрида Токио қўлтиғида Американинг “Миссури” линкорида Япониянинг сўзсиз таслим бўлиши ҳақидаги ҳужум имзоланган. Урушда ҳаммаси бўлиб 5 млн киши йўқолган. 340 та ҳарбий кема, 50 минг самолёт, 8,4 млн тонналик савдо кемаларидан ажралган. Кўрган зарари 64,3 миллиард иенни ташкил этган. 1937-1945 йиллар мобайнида 270 млрд иен ҳарбий ҳаражат қилган.¹

Қолаверса Уруш Япония вайронага айлантирган, ишлаб чиқариш урушдан олдинги даражанинг 30%тушиб қолган. 10 млн киши ишсиз қолган. Япония таслим бўлганидан (1945 йил 2 сентябр) икки ҳафтадан сўнг, уннг ҳудуди АҚШ армияси генерал Р.Маккортур раҳбарлик қилган, у Японияда чекланмаган ваколатларга эга эди.

Мамлакатни қуролсизланиши ва ички сиёсий ҳаётда демократик тартиб ўрнатилиши лозим эди. Бу вазифанинг амалга оширилишини назорат қилиш мақсидида Токио шаҳрида иттифоқчи давлатлар (АҚШ, СССР, Буюк Британия ва Хитой) вакилларида иборат Иттифоқ кенгаши тузилган.

Америкаликлар Иосуданини бош вазири қилиб Қўйганлар. У 1944 йилан қурол яроғ вазири бўлиб ишлаган ва Америкаликларга “Коммерсия хабарини” етказишда айбланиб, 1945 йил бошида қамоққа олинган эди. Иосудани озгина танаффус билан (1947-1948) мамлакатни 1954 йил декабрига қадар бошқарган.

Аввало тин қурилиш йилларига ўтилиши билан мамлакат армияси демобилизация қилинган. Ҳарбий муасасалар тарқатиб юборилган, милитаристик ташкилотлар фаолияти таъқиқланган. Ҳарбий ва Сиёсий жиноятчиларни судга берилган. Давлат аппарати жиноятчи уюшмаларидан тозаланган. Яширин полиция фаолиятига барҳам берилган. Касаба уюшмалар фаолияти тикланган. Демократий сиёсий партиялар ўз фаолитини бошлаган, булар тараққипарварлар, либерал ва социалистик партиялар эди. Мамлакатни эндиликда демократик йўлдан тараққий этиши учун барча зарур чоралар кўрилди. Шу тариқа иккинчи жаҳон урушида Япониянинг мағлубиятга усрашир, япон халқи ва мамлакат келажаги учун катта ижобий аҳамиятга ҳам эга бўлди. Чунки мағлубият туфалий Японияда милитаризм тугатилди. Бу ҳолат мамлакатни Осиё ва Тинч океан

¹ Лафасов М. Жаҳон тарихи. Тошкент, 2009. Б.146

ҳавзасида янги босқичлик урушлари олиб бориш имкониятларидан маҳрум этди. Натижада Японияда ҳукуматга бутун имкониятни тинч бунёдкорлик ишларига қаратишга шарт-шароит яратилди.

Айни пайтда АҚШнинг Японияни ишғол этиши охир оқибатда бу мамлакатнинг келгуси тақдири учун катта ижобий ҳодиса бўлган.

Чунки айнан АҚШнинг оккупацияга маъмурияти Японияда чуқур ижтимоий иқтисодий ва сиёсий ислохотлар ўтказилишининг кафолати вазифасини бажарган.

1947 йилда қабул қилинган конституция демократик ҳужумлар ва эркинликларни эълон қилиб, хотин қизларнинг эркаклар билан тенг ҳуқуқлигини, умумий сайлой ҳуқуқини жорий этган. Конституцияга биноан Япония Конституцион монархия бўлиб қолган, парламентнинг ҳуқуқлари кенгайтирилган. Илгари бутун ҳокимиятга эга бўлган император номигагина “давлатнинг ва халқ бирлигининг рамзи сифатида қолган. 9-моддасида миллатнинг суверен ҳуқуқи сифатида урушдан шунингжак халқаро низоларни хал этиш воситасини тарзида қроллик кучни қўллаш таҳдидидан ёки қўллашдан воз кечилганлиги ёзиб қўйилган эди. Мамлакатнинг ўз қроллик кучларига эга бўлиши таъқиқлаб қўйилган эди.

Аграр ислохот йирик ер эғалигига барҳам бериб Давлат ва помещчик ерларининг кўпчилик қисмини ҳақ тўлаш эвазига деҳқонларга топширган. Энг йирик монополиялар (дзайбацу) тарқатиб юборилиши керак эди. Реакцион ташкилотлар фаолияти эса бутундай таъқиқланди. Меҳнат тўғрисида қонун қабул қилиниб, мактабда ўқитишг системаси ислох қилинди.

Урушдан аввал Японияда буржуазия ҳокимиятни ҳарбий монархия юқори қатламлар ва помещчиклар билан баҳам кўришга мажбур бўлган бўлса, урушдан кейин Япония феодал сарқитларга эга бўлган тоталитар-милитаристик буржуа демократик типдаги ҳозирги қамон ривожланаётган давлатига айланди. Мамлакатда ҳокимият монополистик позицияларини мустаҳкамлаш йўлини тутган йирик буржуазия ва амалдорлар бюрократияси қўлида қолди. Бунга Америка оккупациячи маъмурлари бутун қоралар билан ёрдам берди.

Янги конституцияга кўра император ҳокимияти сақланиб қолган бўлсада, демократик давлат деб эълон қилинган. Император амалда реқал ҳокимиятдан этилгана. У амалда миллат бирлиги рамзи сифатида сақлаб қолинган. Гарчанд бош вазири император тайинласада уни парламент тасдиқлаши лозим эди. Конституцияда Япониянинг келгуси тараққиёти учун жуда катта ижобий роль ўйнаган бир модда тараққиёти учун жуда Япониянинг урушдан миллатнинг суверен ҳудуди сифатида воз кечганлиги ва мамлакатнинг армияга эга бўлиг ҳуқуқини таъқиқлаганлиги тўғрисидаги модда эди.

1950 йилларнинг ўрталарида мамлакатдаги икки сиёсий лагерь консерватив ва прогрессив лагернинг кутбларга ажралиши тугалланди. Шу пайтда бири ҳокимият тепасида узлуксиз равишда либерал демократик партия (ЛДП) туриб келмоқда.

1945 йил ташкил этилган Япония социалистик партияси (ЯСП) ва 1945 йил подпольедан чиққан Япония коммунистик партияси (ЯКП) асосий оппозиция партиялари бўлиб қолди.

Япония билан тинчлик шартномасини имзолаш мақсадида 1951 йилда АҚШнинг Сан-Франциско шаҳрида халқаро конференция чақирилган, унинг якунларига кўра 1951 йил 2 сентябрда бир томондан тинчлик имзоланди ва 1952 йил 28 апрелдан кучга кирди. Унга кўра Япония Корея мустақиллигини тан олди. Тайван, Пескадор, Курил ороллари ва Сахалиннинг жанубига дахл қилмайдиган бўлди. Иттифок давлатлардан СССР бу шартномани имзолади. Бунинг сабаби нимадан иборат эди? “Совуқ уруг” бошлангач АҚШ Японияга нисбатан муносабатини ўзгартирди. Чунки АҚШ узоқ Шарқда СССР таъсирини кучайишини хозламас эди.¹

АҚШ –Япония ҳарбий иттифоқи бунинг кафолати бўлиши керак эди. Айни пайтда Япония ўзининг шимолий чегараларидан бир қисми (яна конференция қарорига кўра) СССРга берилганлигига тоқат қила алмас эди. Шундай шароитда Япония учун ҳам АҚШдан қудратли таянч зарур эди. Икки давлат манфаатларининг муштараклиги Америка Япон ҳарбий иттифоқини тузиш масаласини кўндаланг қўйди.

Сан-Франциско конференциясида Япония билан тузиладиган тинчлик шартномаси АҚШ-япония ҳарбий иттифоқи тўғрисидаги шартнома билан биргаликда имзоланадиган бўлди.

СССР бунга қарши чиқди ва норозилик белгиси сифатида конференция ишида қатнашишни тўхтатди. АҚШ ва Япония ўртасида имзоланган “ҳавфсизлик тўғрисидаги шартнома” деб аталди. Унга кўра Японияда АҚШ ҳарбий базалари сақлаб қолинди. Айни пайтда АҚШнинг оккупация тартиби бекор қилдинди.

1946 йилда Япония парламенти аграр ислохот тўғрисида қонун қабул қилди. Унинг мақсади помещик ер эгалигини тугатиш эди. Давлат ер эгалари ерни сотиб оолди ва уларни деҳқонларга сотди. Шу тариқа помещик ер эгалиги тугатилди. Эндиликда қишлоқ хўжалигида катта бўлмаган фермер хўжаликлари асосий рол ўйнай бошлади.

Саноатни тиклаш учун барча зарур чоралар қўрилди. Айни пайтда АҚШ рерарация илишини тўхтатди. Япон халқи юксак ватанпарварлик, меҳнатсеварлик намуналарини кўрсатиб, меҳнат қилди. Айни пайтда Япон халқи ўта тежамкор халқ

¹ Пономарёв М.В. История стран Европы и Америки в новейшее время в вопросах и ответах. Москва, 2008, С.152

хамдир. Бундан ташқари иш берувчилар билан ходимлар ўртасида японларгагина хос бўлган ҳамкорлик вужудга келди. Унга кўра иш берувчи билан ходим ўртасида тузилар эди. Шартномага кўра корхона ходим то нафақага чиққунга қадар иш билан таъминлаш, ходим эса шу йиллар мобайнида сидқидилдан меҳнат қилиш мажбуриятини олар эди. Бундан ташқари япониянинг ҳарбий ҳаражатлари ниҳоятда кам бўлиб, йиллик ижтимоий маҳсулот қийматини атига 1% ташкил этарди. Бу ҳол бутун капитал маблағининг жуда катта қисмини ишлаб чиқаришга йўналтиришга имкон берар эди. Японларга хос яна бир хусусият ўзгалар ютуғини эринмай ўрганиш ва улардан унумли фойдалана олишдир.

Юқоридаги омиллар Япониянинг гуркираб ривожланишини таъминлайди. 1951 йилдаёқ саноат ишлаб чиқариш урушдан олдинги даражага етди. 1951-1970 йиллар мамлакат иқтисодиётининг йирик ўсиши ўртача 14,6% ташкил этди.

1950 йил ёзида АҚШнинг Корея уруши муносабати билан Японияга жуда кўплаб ҳарбий буюртмалар берилди. Натижада Япония валюта захираси 1952 йила 1 млрд долларни ташкил этди. 1980 йилга келиб Япония саноатнинг йирик ўсиши 20% ташкил этди. Бундай ўсиш ҳеч бир мамлакатда юз берган эмас. “Япон мўъжизаси” дунёни лол долдирди.¹

1950 йилларнинг иккинчи ярмидан бошлаб япон иқтисодиёти гуркираб ривожланиш даврига кирди. Саноатнинг техник қаолоқликларини енгиб, фан ва техниканинг энг янги ютуқлари билан куруланиб улардан усталик билан фойдаланид. Иқтисодиётда оғир индустрия етакчи ўринни эгаллади. Япония учун янги бўлган тармоқлар нефт химияси, синтетик газламалар ишлаб чиқариш, радиоэлектрон техника, автомобилсозлик ривожланиб борди. Иқтисодиётнинг интенсив ривожланишига давлат анчагина ёрдам кўрсатди. Америкадан катта-катта кредитлар олди. Узоқ вақт мобайнида мамлакат ҳарбий мақсалар учун маблағ сарфланмасдан асосий куч ғайратни иқтисодий ривожланишга қаратди.

Натижада Япония саноат ишлаб чиқариш ҳажми жиҳатдан ғарбий Европа мамлакатларидан ўзиб кетди, дунёда АҚШ кейин иккинчи ўзринга чиқиб олди.

Иқтисодиётни тез ривожланиши билан бирга жуда катта тармоқ ва тармоқлар комплекслар барпо этилди, энг янги технологиялар жорий қилинди.

Олимларнинг кузатув текширишларига кўра “Япон мўъжизаси”сининг қуйидаги сабабларга боғлиқлигидадир деб таърифлашади.

1. Асосий капиталнинг йўналиши. Саноат корхоналарида барча эскирган жиҳозлар 50 йилларда алмаштирилган. Бу нарса 1960 йилларда ўрта ва майда корхоналарга ҳам жорий этилди. Чунки 30% ишгчилар шундай корхоналарда ишлар эдилар.

¹ Лафасов М. Жаҳон тарихи. Тошкент, 2009. Б.172

2. Ҳарбий буюртмалар, Корея ва Вьетнам урушлари муносабати билан берилган буюртмалар саноатчиларга жуда катт фойда келтирди. Кейинчалик мамлакатнинг ўзида буюртма кўпайди.

3. Урушдан кейин ҳарбий харажатларнинг йўқ эканлиги Чунки АҚШ 80% ҳарбий харажати молиялаштирди. Ҳарбий харажатлар 1980 йилга келганда бюджетнинг 1,2% ташкил этди.

4. Концернларнинг кўп тармоқлиги капитални айлантиришда қўл келди. Масалан, кemasозлик корхоналари қийин пайтларда машингасозлик, кимё жиҳозлари, турбиналар ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқаришга мослашган.

5. Давлат монополизининг хусусий корхоналар билан яқинлиги вазирлар маҳкамасида ташкил этилган иқтисодиё режалаштириш қўмитаси ички ва ташқи бозор муҳитини ўрганади, ҳамда илмий техникавий ахборотни барча корхоналарга тарқатади.

Давлат энг муҳим саноат тармоқлари бўлган атом саноатини ракетасизлик ва бошқаларни ҳамда илмий талқиқот ишларини молиялаштиради ва капитал қўйишини мувофиқлаштиради. Японияда режалаштиришдан усталик билан фойдаланилди.

Яна муҳим томони маълум бир туманда уй жой коммуникация водопровод ва бошқа инфратузилмани юзага келтириш билан давлат ишлаб чиқариш кучларини жамлайди. Давлат ҳисобидан кўплаб саноат корхоналари янги жойларга кўчирилади.

6. Бошқа мамлакатлар тажрибасидан техник ёрдам тўғрисида битимлар тузиш, лицензиялар сотиб олиш йўлидан жуда кенг фойдаланилди. Лекин бу нарса мамлакат ичиқарисида илмий тадқиқот борасига салбий таъсир этишини ҳисобга олиб илмий техник изланишларга ҳар 10 йилда 6 барабардан кўп мамлағ сарфламоқда.

7. илмий техника инқилобини бевосита ишлаб чиқаришга ниҳоятда тез кўплаб самарадорликка эришилмоқда. Бир соҳа чиқиндиларини бошқа циклга йўналтирилади. Жумлдан, нефтни қайта ишлаш, синтетик материалларга, кимё қурилиш материаларига ва ҳоказо.

8. Ходмиларга “психологик ёндашув”, Япония корхоналари ишчиларни ишга лаёқатсиз бўлиб қолгунча ёки умрбод иш билан таъминлаш тўғрисида шартнома тузади. Ишчи эса интизомли, ҳар қандай қиёинчиликка чидайдиган, корхонани ўзиники деб билдиган, унга ҳиёнат қилмайдиган бўлиши зарур.

9. Япония иқтисодиётин ривожлантиришда ташқи савдо муҳит рол ўйнайди. Япон иқтисоди жаҳон бозорига боғланган ва 100% пахта, жун, никел, бокситни, 99% нефтни, 90% темир рудаси яъни 80% хом ашё ва 20% озиқ овқтни четдан сотиб олади. 1965 йилгача Япония импорти даражаси экспортга нисбатан юқори эди. Ундан кейин баланс фаоллашди, экспорт кўпайди.

1968 йилга келганда Япония жами миллий маҳсулот ҳажми жиҳатидан Франция, Буюк Британия ва ГФР ортда қолдирди. Бу боради АҚШдан кейин иккинчи ўринга чиқиб олди.

1981 йили яна бир мўъжижа рўй берди. Шу йили Япония енгил автомобил ишлаб чиқариш бўйича АҚШни ортда қолдирди.

Мамлакатда видеотехника, рангли телевизор ва ташқи маиший хизмат техникаси мисли қўрилмаган даоажада ўсди. Қарамли ахорот технологияси, роботлар ишлаб чиқаришда дунёда олдинги ўринда турибди. Митсун, Митсубуси, Сумитано, Тайота, Кавасаки каби гигант корпорациялар миллиардерларча фойда кўрмоқда. Мамлакатда темир ва кўмир конлари бўлмасада электрон саноатнинг тайёр маҳсулотлари, автомобиллар, кимё саноати маҳсулотлари, оптика, синтетик тола ва бошқа муҳим товарларни экспорт қилади.

Япония автомобиллар, кемалар, рўзғор электр техника асбоблари, саноат роботлари ишлқб чиқариш, станоксозлик жиҳатидан дунёда биринчи ўринни эгаллайди. Балиқ овлаш бўйича дунёда 1-чи ўринда тураи. Дунёнинг 15% дан ортиқ балиғини овлайди ва уни қайта ишлайди. Дунёнинг 2% (127 млн) аҳолисига эга бўлган япония жаҳоннинг 13,3% маҳсулотини ишлаб чиқаради.

ХУЛОСА

Маълумки, биринчи жаҳон уруши Япония Антанта томонида қатнашганлиги боис, голибоар сафида жой эгаллаган, натижада Антанта вакиллари уни қуруқ қўймаган. Унга Шиндун ярим ороли, Тинч океанидаги Германияга қарашли, Мариан Қоролина, Маршал

ороллари тақдим этилган. Бу ороллар муҳим стратегик аҳамиятга эга ҳисобланган. Булар Японияга Тинч океан акваторияси марказига чиқиш ва АҚШнинг сиёсий ҳарбий денгиз базаси бўлмиш Савай оролларига яқинлаштириш имкониятини берган. Айти пайтда Япония Хитойда ўз мавқеини мустаҳкамлаган. Узоқ Шарқ ва Тинч океан хавзаси давлатлари бозорини шитоб билан эгаллай бошлайди. Бу ўз навбатида монополияларининг давромадларини янада кўпайтирди.

Уруш йиллари Япон меҳнатлари учун “Олтин давр” бўлган тўқимачилик 4,5, металлургия 6, машинасозлик 5,5 барабар ўсган.

Аммо озиқ овқат маҳсулотларини нархини ошиб кетиши натижасида Киотодо шоли исёни келиб чиқди, оч қолган исёнчилар дўконларни эгалаб ола бошлаганлар. Қисқа муддат ичида бу исён Япониянинг 3/2 қисмига тарқаган. Лекин ҳукумат бунга қатти қўллик билан бостиради, унинг иштирокчилари жазоланади.

Япониянинг ўзида урушга қарши кураш кайфияти кучаяди, бунинг учига Узоқ Шарқда Қизид Армия Япон босқинчиларига қаҳшатли зарба бера бошлайди.

Шундай шароитда – йиллардаги иқтисодий инқироз Япония иқтисодиётига катта зарба берди.

Йилларнинг охирига келганда Япония иқтисодиётида жонланиш юз берди. Бунга шу йилнинг 1 сентябрида юз берган ер қимирлашидан сўнг бошланган тиклаш ишлари қулай шароит яратган. Ҳукумат йирк тадбиркорлар зарар кўрмаслиги учун барча зарур чораларни кўрган, яъни уларнинг барча тўлоқлари муддатини кечиктирган. Кўрган зарарлари учун компенсация тўловини амалга оширган. Япон монополиялари катта фойдамикдорини сақлаб қолиши учун экспорт товралари нархини пасайтирган. Умумий сайлов ҳукуқи тўғрисида қарор қабул қилинган.

1923-1933 йиллардаги жаҳон иқтисодиё инқироzi мамлакат иқтисодиётига янада катта зарба берган. Бу Япон ва Америка бозорларининг бир бири билан жуда устаҳкам боғланиб қолганлигининг, Япония иқтисодиёти бошқа буюк давлатлар иқтисодиётига нисбатан заифлигининг 1923 йилда юз берган ер қимирлаши оқибатлари чуқурлигининг натижаси эди, бу инқироз айниқса қишлоқ хўжалигида оғир кечган. АҚШга ипак экспорт қилиш ҳажми 30%га камайган, ипак нархи кескин тушиб кетган. 1931 йилга келганда саноат маҳсулотлари 31, экспорт 65, импорт 72% қисқарган.

Бу айниқса ижтимоий аҳволни кескинлаштирган. Мамлакатда “Ёш зобитлар ва ўрта концернлар иттифоқи” вужудга келган. Улар майда ва тадбиркорлар манфаатини кўзлар эди. Инқироз ёш зобитларни бетараф қолдирмасди. Чунки улар Япония жамиятида энг кўп зарар кўрган қатламнинг вакиллари эди.

Иккинчидан Япониянинг ҳарбий денгиз қудратини чекловчи турли халқаро шартномалар ёш зобитларда кучли норозилик уйғотди. Бироқ Японияда вужудга келган янги иттифоқ демократик кайфиятдаги кучларнинг иттифоқи эмас эди. Аксинча бу иттифоқ Японияда фашизм йўлига ўта борди. Аини пайтда ёш зобитлар императорга содиқ эдилар. Улар императордан эски концерн ҳукмронлигини чеклашни талаб эта бошладилар. Парламентга қарши чиққанлар.

Шу тариқа Япония фашистлашиб борган. Улар “пан осиё” ва дунёга ҳукмронлик ҳояларини ўзига зўр бериб тарғиб эта бошладилар. Бироқ эски концернлар катта молиявий қудратга эга бўлганликлари учун уларнинг мавқеи қудратли эди. Эски ва янги концертлар эгалари бирлаштирувчи бир омил мавжуд эди, бу омил дунёга ҳукмрон бўлишга интилиш эди.

1932 йилнинг 15 майида ёш зобитлар фашистик исёни кўтарилди. Бунинг натижасида ҳатто мамлакат бош вазири Уники ўлдирилган, исён бостирилган бўлсада, мамлакатда ҳарбийлар мавқеи ҳар қачонгидан ошиб кетган. Шу даврдан бошлаб 1945 йилгача ҳукуматни бошқариш фақат бюрократия вакилларига топширилгани дежиз эмасди. Шунга қарамай 1936 йилнинг 26 феввалида 1500 ҳарбий қатнашгнан иккинчи фашистик исён уюштирилган. Бу 29 февралда бостирилган бўлсада Япон ҳукмрон доира вакиллари қаттиқ ташқишга солиб қўйган. 17 та исёнчи ўлдирилган. Улар мамлакатда рўй берган чуқр ички сиёсий инқирозни агрессив ҳарбий ҳаракатлар бошлаб йўли билан бартараф этишга қарор қилдилар.

Урушдан сўнг Тинч океан ҳавзалари Япониянинг АҚШ билан муносабатлари кескинлаша борган. Бунинг сабаби ҳар икки томоннинг бу минтақада етакчиликка интилиши эди. Япон монополиялари катта фойда миқдорини сақлаб қолиш учун экспорт товарларининг нархини пасайтирган.

Аини пайтда Япон монополиялари Совет давлати билан муносабатларининг яхшиланишига ҳаракат қилди. Чунки Япония Россиянинг шарқий қисмига Япония иқтисодиёти учун катта хом ашё манбалари сифатида керак эди. Япония бундай манбаларни 1918-1925 йиллар давомида ҳарбий йўл билан қўлга олмади. Аксинча Япония уюштирган ҳарбий интөрвенция мағлубиятга учради. Эндиликда Совет давлати билан манфаатли иқтисодий ва савдо алоқаларини ривожлантиришдан бошқа йўл йўқ эди.

Шунинг учун 1925 йилнинг 20 январиди Совет давлати билан Япония ўртасида ўзаро муносабатларининг асосий тамойиллари тўғрисида шартнома имзоланган. Унга кўра Япония Совет Россияси ҳудудидаги сўнгги ҳарбий қисмларни олиб чиқиб кетали, бироқ бу Япония ҳукмрон доираларнинг совет Узоқ Шарқ ҳудудларига даъвосинидан воз кечди дегани эмас эди.

1927 йилда фаол агрессив ташқи сиёсий тарафдорлари ҳукумати тузилди. Янги ҳукумат ўз мақсадларини “Тонаха меъморандуми” деб аталган ҳужжатда ифода этган. Шу йилнинг 27 июлида императорга юборилган бу ҳужжатда Япониянинг дунёга ҳукмронлик қилишига очиқдан очиқ даъво қилинган эди. Жумладан шундай ёзилан эди: “Хитойни босиб олиш учун аввал Манжурия ва Муғулистонни босиб олишимиз зарур. Дунёни босиб олишимиз учун эса аввал Хитойни олишимиз лозим. Агар биз Хитойни босиб ололсак, Осиёнинг барча кичик давлатлари биздан кўрқади ва бизнинг олдимизда таслим бўлади. Бизнинг миллий ривожлантириш дастуримизда Монғолия давлатларида Россия билан қилич уриштириш киради. Биз АҚШни яқсон қилишимиз зарур”.

Япония ҳукмрон доиралар тез орада ўз орзуларини амалга оширишга киришганлар.

1931 йилнинг сентябрида Япония армияси Хитойнинг Шимолий шарқига Манжурияга ҳужум қилди ва 1932 йилнинг бошларида босиб олди. 1932 йилда Хитойнинг бошқа қисмларига бостириб қирди. 1932 йил мартада бўлиб олинган ерларда “Манжоу-ГО” давлатини тузган. Ёз ойларида Жеха ва Хебей вилоятларини эгаллайди. АҚШ бу ҳаракатларни қўллаб-қувватлаб 147 млн долларлик қурол яроғ етказиб берган.

Халқаро ҳамжамият назаридан холи бўлиш мақсадида Япония 1933 йилнинг март ойида Миллатлар лигасидан чиққан. 1934 йилда эса, Шарқий Осиёга ҳукмронлик даъвоси билан чиқди ва ҳарбий кучларини чеклаган Вашингтон шартномасидан воз кечишини маълум қилди. Германия билан яқинлашиш йўлини тутди. Чунки Ғарбий Германия, Шарқни Япония эгаллаши керак эди. 1936 йил ноябрида ики давлат ўртасида “Антикоминтерн ахдномаси” тузлган.

Япония совет давлати чегараларида турли жанжлларни учайтирди. 1938 йил 29 июл-11 августда Совет давлати ҳудудига ҳужум уюштирди. Бу воқеа Насан кўли ҳудудига (Примрьеда) юз берган. Бироқ Совет армияси ўз ҳудудди ни Япон қўшинларидан тозалашга муваффақ бўлди. 1938 йил имзоланган Мюхен шартномаси Япония ҳукмрон доираларининг иштаҳасини янада оширб юборди. Шу йилнинг 3-ноябрида Япония Шарқий Осиёда янги тартиб ўрнатиш ҳақида декларация эълон қилди.

1939 йилнинг 11 май куни Япония армияси Муғулистон Халқ Республикасига (МХР) ҳужум қилди. Халхин Гол дарёси бўйичага ўзаро шартномага кўра Совет армияси МХРга ёрдам кўрсатди. 4 ой давом этган урушда Япон армияси тор-мор этилган,

Шунга қарамай Япония ўз ниятларидан (Шарқий Осиёда ўз ҳукмронлигини ўрнатиш) воз кечмаган. 1939 йил баҳорида фашистик давлатлар буюк Шарқий Осиё кенглигида янги тартиб ўрнатиш борасида Япония гегамонлигини тан олди. Лекин Япониянинг Шўарқий Осиё кенглигида катта манфаатларга эга бўлган бошқа давлатлар

(АҚШ, Буюк Британия, Франция) билан муносабатлари кескинлашиб борди. Япониянинг уларга қарши учуш бошлаши муқаррар эди. Бу омил шунингдек Халхинтолдаги мағлубият, Совет Германия шартномаси (1939 йил 23 августда)ги Япониянинг Совет давлати билан муносабатларини ўзлаштиришга мажбур этди.

Европада уруш ҳаркатлари бошланиши билан 1939 йил 4-13 сентябрда Япония ҳукумати декларация эълон қилиб Ғарбдаги урушда аралашмасликни билдирди. 1940 йил 1 августда Каниз бош қазирликни эгаллайди ва Шарқий Осиёда “Янги тартиб ўрнатиш” режасини давом эттирди.

1940 йил 23 сентябрда Япония Ҳиндихитойнинг шимолига бостириб кирган. 27 сентябрда Токио, Германия ва Итқлия билан учлик сиёсий иттифоқини 10 йил муддатга имзолашган. Бу ҳолат унинг ашистик давлатларга ўз мақсади йўлида бутунлай шерик бўлганини аниқлатар эди. 1941 йил 13 апрелда Совет давлати билан бетарафлик шартномасини имзолаган. Лекин “Кантокуен” режасини тузиб чиқиб қулай фурсатни кутиб турди. Армия 700 минг кишига етказилди. АҚШ билан муносабатлар кескинлашди.

Япония 1941 йил 7 декабрда АҚШнинг Перл—Харбер ыазасига тўсатдан ҳужум қилди ва кўп талофат етказди. Малазийя, Бирма, Таиланд, Индонезия, Филиппин ҳудудлари эгалланди.

1942 йилдан бошлаб Инглиз Америка қўшинларига қарши ҳужумга ўтди ва Япониянинг кучларини тор-мор келтирган. 1945 йил 6-9 августда АҚШ Японияга атом бомбасини ташлаган. 9 августда СССР ҳужумга ўтди. 2 сентябрда Япония сўзсиз таслим бўлди. Япония урушида жами бўлиб 5 млн киши йўқотган 340 ҳарбий кема, 50 минг самолёт, 84 млн тонналик савдо кемаларидан ажралган. Зарар 64,3 млрд иенни ташкил қилади. 1937-1945 йиллар мобайнида 270 млрд иен ҳарбий ҳаражат қилди.

Дунё давлатларини ўз домига тортган иккинчи жаҳон уруши 40 та давлатнинг ҳудудида ҳарбий ҳаракат олиб борилган. Уруш беҳисоб қурбонлар ва жуда катта вайронгарчилик юз берган. Фашистик Германия, Италия ва милитортик Япония тор-мор этилган. Улар вақтинчалик буюк давлатлар қаторидан тушиб қолган ҳар қандай фашистик ташиклотлар фаолияти таъқиқланган.

Уруш Японияни вайронага айлантирган. Япония талсиқ бўлганидан (1945 йил 2 сентябр) кки ҳафтадан сўнг уруш ҳудуди АҚШ армияси томонидан оккупация қилиниб, генерал Д.Макатурга опширилди ва чекланмаган ваколарлар берилган. Япония қуролсизлантирилиши ва мамлакатда демократик тартиб ўрнатиши лозим эди, бунини амалга оширилиши ва назорат қилиш мақсадида Токио шаҳрида Иттифоқчи давлатлар (АҚШ, СССР, Буюк Британия ва Хитой) вакилларида иборат иттифоқ кенгаши тузилади.

Америкаликлар Иосиданини бош вазир этиб қўйганлар. У 1944 йилдан курул-яроғ вазири бўлиб ишлаган ва америкаликларга коммерция хабарини” етказишда айбланиб 1945 йил бошида қамоққа олинган. Иосуда озига танаффус билан (1947-18)мамлакатни 1954 йил декабрга қадар бошқарган.

Мамлакат армияси демобилизация қилинган. Ҳарбий муассасалар тарқатилиб юборилган. Малитаристик ташкилотлар таъқиқланган. Ҳарбий ва сиёсий жиноятчилар судга тортилган. Давлат аппарати жиноятчи унсурлардан тозаланган. Яширин полиция тугатилган. Қасаба уюшмалари фаолияти тикланган. Демократик сиёси партиялар тузилади. Булар тарққийпарварлар, либерал ва социалистик партиялар эди. Маамлкатни демократик йўлдан тарққиё этиши учун барча зарур чоралар қўрилди,

Шу тариқа иккинчи жаҳон урушида Япониянинг мағлубиятга учраши Япон халқи ва мамлакат келажаги учун катта ижобий аҳамиятга ҳам эга бўлди.

Чунки мағлубият туфайли Японияда милитаризм тугатилди. Бу эса Японияни Осиё ва Тинч океани ҳавзасида янги босқинчилик урушлари олиб бориш имкониятидан маҳрум этилди. Бу ҳол Япония ҳукуматига бутун имкониятини тинч бунёдкорлик ишларига шароит яратди. Айни пайтда АҚШнинг Японияни ишғол этиши учун катта ижобий ҳодиса бўлди.

Айнан АҚШнинг оккупация маъмурияти Японияда чуқур ижтимоий иқтисодий ва сиёсий ислохотлар ўтказилишининг қафолати вазифасини бжарган.

1947 йил Япония парламенти мамлакатлнинг янги конституциясини қабул қилди. Унга кўра Японияда Конституцион монархия тартиби ўрнатилди. Император ҳокимияти сақланиб қолган бўлсада Япония демократик давлат деб эълон қилинди. Император амалда реал ҳокимиятдан маҳрум этилди. У миллат бирлиги рамзи сифатида сақлаб қолинди.

Бош вазир император тайинласади уни парламент тасдиқлаши лозим эди. Конституцияга Япониянинг келгуси тараққиёти учун катта ижобий рол ўйнашан бир модда киритилди. Бу Япониянинг урушдан миллатнинг суверен ҳукумати сифатида воз кечганлиги ва мамлакатнинг армияга эга бўлиш ҳуқуқини таъқиқлаганлиги тўғрисидаги модда эди.

Япония билан тинчлик шартномасини имзолаш мақсадида 1951 йилда АҚШнинг Сан-Франциско шаҳрида халқаро конференция чақирилди. Конференция якунларига кўра 1954 йил 2 сентябрда юбир томонлама тинчлик шартномаси имзоланди ва 1952 йил 28 апрелдан кучга кирди. Унга кўра Япония Корея мустақилигини тан олди. Тайван, Пескадор, Курил ороллари ва Сахалиннинг жанубида дахл қилмайдиган бўлди. Иттифоқчи давлатлардан СССР бу шартномани имзоланади. АҚШ Японияга нисбатан

муносабатларини ўзгартирди. Чунки АҚШ Узоқ Шарқда СССР таъсирининг кучайишини хоҳламас эди.

АҚШ –Япония ҳарбий иттифоқи бунинг кафолати бўлиши керак эди. Айни пайтда Япония ўзининг шимолий ерларидан бир қисми (Ялпи конференция қарорига кўра) СССР га берилганлигига тоқат қила олмас эди. Шундай шароитда Япония учун ҳам АҚШдек кудрали таянч зарур эди. Икки давлат манфаатларининг муштараклиги Америка-Япон ҳарбий иттифоқини тузиш масаласини кўндаланг қўйди.

Сан-Франциско конференциясида Япония билан тузиладиган тинчлик шартномаси АҚШ –Япония ҳарбий иттифоқи тўғрисидаги шартнома билан биргаликда имзоланадиган бўлди.

СССР бунга қарши чиқди ва норозилик белгиси сифатида конференция ишида қатнашишни тўхтатди. АҚШ ва Япония шртасида имзоланган шартнома “хавфсизлик тўғрисидаги шартнома” деб аталди. Унга кўра Японияда АҚШнинг ҳарбий базалари сақлаб қолинди. Айни пайтда АҚШнинг оккупация тартиби бекор қилинди.

Иқтисодиётда дастлаб 1946 йили аграр ислохот ўтказилиб унга кўра йирик помешчик ер эгаллиги тугатилди. Фермер хўжаликларини ривожлантиришга кенг имкониятлар яратилади.

Саноатни тиклашг учну ҳам зарур чоралар кўради, АҚШ рельрация олиши тўхтатилди. Япон халқи юксак ватанпарварлик ва сабр бардошлик намуналарини кўрсатиб меҳнат қилди. Бундан ташқари иш берувчилар билар ходимлар ўртасида японларгагина хос бўлган ҳамкорлик вужуда келди. Унга кўра иш берувчи билан ходим ўртасида шартнома тузилар эди. Яъни ходим шу йиллар мобайнида сидқикдилдан меҳнат қилиш мажбуриятини олар эди.

Шу билан бирга мамлакатни ҳарбий ҳарадатлари кам бўлиб йиллик ижтимоий маҳсулот қийматининг атига 1% ташкил этар эди. Японларга хос яна бир ўзгалар ютуғини эринмай ўраниш ва улардан унумли фойдалана олишдир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Каримов И.А. XX аср бўсағасида хавфсизликка таҳдид: барқарорлик шартларива тарққиёт кафолатлари. Тошкент, 1997
2. Каримов И.А. Тарихий хтирасиз келажак йўқ. Тошкент, 1998
3. Каримов И.А. Юксак маънавият енгилмас куч. Тошкент, 2008
4. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. Тошкент, 2011

5. Александров В.В. Новейшая история стран Европы и Америки. Москва, 1988
6. Алиева А.С. Всемирная история в таблицах в схемах. Москва, 1999
7. Богданович И.Г. Страны мира энциклопедический словарь. Москва, 1999
8. Бузов В.И. История современного Востока XX –XXI века. Страны и правители. (Новейшая история Азии и Африки) Москва, 2008
9. Болоусов Л.С, История новейшего времени стран Европы и Америки 1945-2000 годы. Москва, 2003
10. Гадоев К, Сайёрамиз мўъжизалари. Тошкент, 2012
11. Жаҳон материаллари. Қисқача маълумотнома, Тошкент, 2006
12. Загладин Н.В. Всемирная История. Век XX. Москва, 1999
13. Кредер А.А. Новейшая история XX век. Москва, 1996
14. Лафасов М. Жаҳон тарихи. Тошкент, 2009. Б.146
15. Мирошникова В.В. Моя энциклопедия событий. Москва, 1999
16. Поляк Г.Б. Всемирная история. С древнейших времён до наших дней. Москва, 1997
17. Пономарёв М.В. История Европы и Америки в новейшие время в вопросах и ответах. Москва, 2008
18. Родригес А.М. Новейшая История стран Азии и Африки XX века. Москва, 2005
19. Родригес А.М. Стран Азии и Африки в новейшее время в вопросах и ответах. Москва, 2008
20. Хидоятов Г.А. Всемирная История (1914-1945 гг) Тошкент, 2000
21. Хидоятов Г.А. Всемирная История (1945-1999 гг) Тошкент, 2000
22. Языкова Е.Ф. История новейшая времени стран Европы и Америки 1918-1945 годы. Москва, 1989